



ИШОНЧ

Шу азиз Ватан — барчамизники!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

• 1995 йил, 17 март • 11 (205)



Суратда: учрашув пайти.

Р. Жуманиёзов олган сурат (ЎЗА).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА УЧРАШУВ

Республика Президенти Ислам Каримов 16 март куни Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолларининг бир гуруҳини қабул қилди. Давлатимиз раҳбари уларни, улар сиймосида барча меҳнаткашларни тарихий воқеа — мамлакатимиз касаба уюшмаларининг 70 йиллик тўйи билан муборакбод этди.

Биз, янги мустақил давлат барпо этяпмиз, — деди Ислам Каримов. У ҳуқуқий, демократик, бозор иқтисодиётига асосланган давлат бўлади. Шундай экан, янги шароитда меҳнаткашлар ҳуқуқларининг ҳимоячиси бўлиш касаба уюшмаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ҳам ўзгариши табиийдир. Чунки жамиятда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ислоҳ қилинмоқда, давлат мулки билан бир қаторда шахсий, хусусий, ҳиссадорлик каби турли мулк шакллари қарор топмоқда.

Шундан сўнг Ислам Каримов Ўзбекистон ички ва

ташқи сиёсатининг асосий жиҳатлари, амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти хусусида батафсил тўхталди. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, янги мулк эгалари манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш касаба уюшмаларининг ҳам бурчи эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг раиси Ҳ. Жамолов, бир қанча тармоқ ва ҳудудий кенгашлар раислари касаба уюшмаларининг ҳозирги фаолияти, уларнинг олдида турган долзарб вазифалар, мавжуд муаммо ва камчиликлар хусусида гапирдилар.

Учрашувда Президентнинг давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Х. Жўраев қатнашди.

(ЎЗА)

26 МАРТ.— УМУМХАЛҚ
РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАЙМИЗ

— МАҲАЛЛАМИЗ аҳли Республикамизда референдум ўтказилиши ҳақидаги гоҳи чин дилдан қўллаб-қувватламоқда, — дейди Тошкентдаги "Ракат" маҳалла кенгаши раиси Абсам Юсуфхўжаев. — Давлатимиз мустақиллиги пойдеворини янада мустаҳкамлаш, янги тузумимиз равнақи йўлида қонунчилик ва ижрочилик ҳокимиятлари ишнинг давр талаби даражасида мувофиқлаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётганини кўриб турибмиз. Шунинг учун ўтказиладиган референдум республикамизда олиб борилаётган ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар сиёсатини фуқаролар ҳамда миллатлараро ҳамжиҳатлик билан амалга ошириш учун қўлай имкон яратиши деган умиддамиз.

Маҳалламизда истиқомат қиляётган ҳар бир киши Президентимизнинг юртимизни дунёдаги энг илғор мамлакатлар қаторига олиб чиқиш йўлидаги саясий-ҳаракатларига бутун вужудлари билан талабдордирлар. Маҳалла кенгашида сўз олган фахрийлар худди ана шу мазмунда сўзладилар ва референдум ўтказиш гоҳисини қўллаб-қувватлашларини изҳор этдилар.

"МУЛКНИНГ ҳақиқий эгалари қўлига беришни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулкдорда янги мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялашдан иборат" дея таъкидлаган эди Республикамиз Президенти Ислам Каримов мамлакатимиз парламентининг биринчи сессиясидаги маърузасида. Бу вазифани бажариш жараёни очик усулдаги ҳиссадорлик жамиятлари раҳбарлари томонидан пухталик билан амалга оширилмоқда. Шу қаторда бизнинг корхона меҳнаткашлари ҳам бу вазифа асосида иш юритмоқдалар, — дейди "Садаф" ҳиссадорлик жамияти бошқармаси раиси Иброҳим Аҳмаджонов. — Республикамиз Президентининг ваколати муддатини 2000 йилгача узайтириш бўйича умумхалқ сўрови ўтказиш ҳақидаги Олий Мажлис қарорини қўллаб-қувватлашда ҳам бир тўхтамга келиб олдилар.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ XV ҚУРУЛТОЙИ ҚАТНАШЧИЛАРИ, КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИГА

Ҳурматли қурултой қатнашчилари ва меҳмонлари, касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари!

Сизларнинг қурултойингиз мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг муҳим палласида ўтмоқда. Мустақил Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этиш йўлида мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари, миллий анъаналаримиз, тарихий тажрибамизга мос бўлган янгиланиш ва тараққиёт тамойиллари тобора чуқур томир отмоқда. Бу йўл ижтимоий ларзаларсиз, аҳолининг қашшоқлашувига йўл қўймасдан амалга оширишга қаратилгани учун ҳам ўз самарасини бермоқда.

Мана шу ҳаётбахш янгиланиш ишларида ўз сафларида миллионлаб меҳнаткашларни бирлаштирган энг оммавий жамоат ташкилотлари — касаба уюшмалари фаол қатнашмоқдалар. Улар меҳнаткашларни ижтимоий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳолисона ҳимоя қилиш, меҳнат қонунчилигининг амалда бажарилиши кафолатларига эришиш, ўз-

ўзини бошқариш каби энг долзарб вазифаларни ҳал этишда иштирок қилишни ўзларининг асосий бурчлари деб билмоқдалар ва ҳалқимиз орасида обрў қозонмоқдалар.

Албатта, бундай олижаноб вазифаларни уюшқоқлик билан амалга ошириш касаба уюшмаларидан ўтиш даври шароитига мос иш услубларини эгаллашни, жаҳон касаба уюшмалари илғор тажрибаси ҳамда миллий анъаналаримиз асосида ўз иш услубларини янгиллашни талаб этаётгани тобора аён бўлмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари XV Қурултойи ишига муваффақият тилар эканман, сизларни касаба уюшмаларининг 70 йиллиги билан чин қалбимдан табриклайман.

Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бардамлик, хайрли ишларингизда ғайрат ва шижоат ёр бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислам КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 16 март.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМА- ЛАРИ ФАОЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнатлари, жамоат бирлашмаларининг фаолиятига катта ҳисса қўшганликлари учун ва республикада касаба уюшмаси ҳаракатининг 70 йиллиги муносабати билан қуйидагилар мукофотлансин:

**1 ДАРАЖАЛИ "СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН" ОРДЕНИ БИЛАН**
МАҲМУДОВА Наима Маҳмудовна —
Тиббиёт педиатрия институти кафедраси-
нинг мудири
РАҲМОНОВ Каримжон Ҳақимович —
"Чимен" санаторийсининг бош шифоко-
ри, Фарғона вилояти
"ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН
АКБАРОВ Ҳасан Хўжамбердиевич —
"Атлас" акционерлик бирлашмасининг
уста ердмчиси, Наманган вилояти
БОЗОРОВ Давлат Раҳмонович —
"Муборакгаз" ишлаб чиқариш
бошқармаси касаба уюшмаси
қўмитасининг раиси, Қашқадарё вилояти
ҚТАЙБЕКОВ Кенғесбой — Нукус ту-

ман халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси,
Қорақалпоғистон Республикаси
САМАТОВ Ҳосил — Ўзбекистон
энергетика ва электр-техника саноати
ходимлари касаба уюшмаси марказий
қўмитасининг раиси, Тошкент шаҳри
"ШУҲРАТ" МЕДАЛИ БИЛАН
ДАВЛЕТОВ Қўзи — Хоразм вилояти
деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари
касаба уюшмаси қўмитасининг раиси
ЭРҒАШЕВ Эркин Нормуротович —
Самарқанд вилояти деҳқончилик-саноат
мажмуи ходимлари касаба уюшмаси
қўмитасининг раиси
ИСМОИЛОВ Ҳамроқул Исоқович —
"Востоклифт" қўшма корхонасининг то-
қари, Самарқанд вилояти
КАРИМОВ Бозорбой — Урганч те-
мирйўл дистанцияси кадрлар бўлимининг
бошлиғи, Хоразм вилояти

(Давоми 3-бетда).



— Сухбатимиз Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 70 йиллиги ва XV курултойи арафасида ўтмоқда. Келинг, тарихга бир назар ташлайлик. Республикада касаба уюшмаси ҳаракати қандай вужудга келган, қандай ривожланган, шу ҳақда ҳикоя қилиб берсангиз?

— Ўзбекистон касаба уюшмаларининг Биринчи Таъсис съезди 1925 йил 21 март куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган. Ана шу вақтга келиб, республика касаба уюшмалари қарийб 90 минг кишини ўз сафларига бириштирган эди. Касаба ҳаракатининг ўтган 70 йил мобайнидаги тарихи турли воқеаларга бой. Касаба уюшмаларига кўп йиллар давомида халқ манфаатларига зид мақсад ва вазифалар тикиштириб келинди, ташаббускорлик, ишга ижодий ёндошишга йўл қўйилмасди. Эндиликда, республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг, вазият кескин ўзгарди. 7,5 миллиондан зиёд аъзоси бўлган Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳам мустақиллигини қўлга киритди, ўз фаолиятида туб ўзгаришларни амалга оширишмоқда. Шу билан бирга, касаба уюшмалари тарихининг зиддиятли жиҳатларига қарамай, ҳамма нарса бир текисда ёмон эди, деб бўлмайди. Ана шу тарихимиздан ижобий тажрибаларни, илғор иш усулларини саралаб олишимиз лозим. Улар бугунги янгича шароитларда ҳам албатта асқотади.

— Эҳтимол, касаба уюшмаларининг курултойи муддатидан илгари қақирилишини жамиятимиз ҳаётида, жумладан касаба уюшмалари ҳаётида рўй бераётган туб ўзгаришлар таъсир этгандир?

— Чиндан ҳам биз ҳозир мутлақо бошқа сиёсий вазиятда, давлат тузумида яшаймиз. Ваҳоланки, касаба уюшмаларининг амалдаги Низом ва Дастури 1991 йили қабул қилинган. Республика касаба уюшмаларининг ҳозирги таркибий тузилиши ҳам ўшанда шакллانган. Аниқ мақсадни кўзловчи кўрсатмалар ва фаолият таъминлаши ягона Иттифок, ВЦСПС тизими шароитида иш олиб боришга қаттиқ мослаштирилган эди. Шакл-шубҳасиз, ана шу асосий ҳужжатлар эскириб қолди, давр руҳига жавоб бермаётти. Республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши амалдаги Низомга мувофиқ сўнгги уч йил мобайнида тармоқ марказий кўмиталарининг фаолиятини, уларнинг иш тажрибаларини пишиқ-пухта ўргана олмади. Низомда булар кўзда тутилмаган эди. Таркибий тузилишимиз ҳам ғоятда чалқашиб кетди. Бир неча йил муқаддам касаба уюшмаларида ҳам ажралиб чиқиб, алоҳида бўлишга интилиш кучли эди. Натигада республикадаги тармоқ касаба уюшмалари сони 25 тага етди. Ваҳоланки, уларнинг айримлари аъзоларининг сони жиҳатидан касаба уюшмалари бошланғич ташкилотлари билан ҳам тенглаша олмайди. Буларнинг ҳаммаси фаолиятимиз самардорлигига ўз салбий таъсирини кўрсатди.

Шунинг учун Ўзбекистон касаба уюшмаларининг янги Низоми ва ҳаракат Дастури ишлаб чиқилиб, уларнинг лойиҳалари ўтган йили август ойида матбуотда эълон қилинди. Ўтган вақт ичида биз ана шу ҳужжатлар юзасидан кўпгина, турли-туман тақлиф ва мулоҳазаларни олдик. Ишчи комиссиалари уларнинг ҳаммасини синчиклаб ўрганиб, таҳлил этиб чиқди. Айни вақтда шунини таъкидламоқчиманки, яқинда бўлиб ўтган тармоқ курултойларида ва уюшмалараро вилоят анжуманларида ана шу ҳужжатлар умуман маъқулланди. Низоми-мизда биз тармоқ таъминини сақлаб қолишни назарда тутганимиз ва уни бундан буён янада ривожлантириб борамиз. Айни вақтда касаба уюшмалари вилоят кенгашларининг ваколатлари ҳам кенгайди. Федерация Кенгашининг мақоми, ваколатлари ўзгармоқда.

Ана шунга кўра касаба уюшмалари Федерацияси ўз хусусиятига эга бўлган тармоқ касаба уюшмаларининг ишга аралашмаган ҳолда, бутун касаба уюшма фаолияти учун тўла жавоб беради.

— Республикамиз бозор муносабатларига ўтиши билан, иқтисодиётда амалга оширилаётган ислохотлар, хусусийлаштириш, ҳиссдорликка ўтказиш жараёнлари Ўзбекистонда мутлақо янги ижтимоий қатламларни вужудга келтирди. Бир томондан ишлаб чиқариш воситаларининг мулк эгаси — иш берувчи, иккинчи томондан ёлланма ишчи кучи шулар жумласидандир. Буларнинг ҳаммаси касаба уюшмаларининг фаолиятига қандай таъсир этмоқда?

— Президентимиз И. А. Каримов ишлаб чиққан бозор ислохотларининг беш тамойилини, биринчи навбатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва унинг кам таъминланган гуруҳларини тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлаш устиворлигини маъқуллаб, касаба уюшмалари бозор муносабатлари қарор топишида фаол иштирок этиб келдилар ва бундан кейин ҳам иштирок этаверадилар.

Сўнгги вақтларда республика иқтисодиётини таркибий қайта қуришда катта ўзгаришлар кўзга ташланиб қолди. Бунинг исботи учун 1995

фарбар этишлари лозим. Ижтимоий ҳамкорлик тамойилларидан келиб чиқиб, биз меҳнаткашларнинг корхона, ташкилот ва ҳўжаликларнинг даромадидан баҳраманд бўлишлариға эришишимиз, меҳнат кишиларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишимиз керак.

Президентимиз давлат жамиятининг ғоятда бой ва ғоятда қашшоқ қатламларга кескин бўлиниб кетишига йўл қўймаслиги керак, деб таъкидлаган. Ана шу вазифани ҳал этишда касаба уюшмаларининг роли жуда катта. Касаба уюшма ташкилотлари ва кўмиталари ҳиссдорлик мулкни ривожлантириш жараёнларида бевосита иштирок этишлари, ўз ишлаб чиқариш фаолиятларини ривожлантиришлари мумкин ва лозим. Ўйлайманки, биз бўлажак курултойда ана шу ҳаётини муҳим масалаларга муносабатимизни ойдинлаштириб олишимиз зарур.

— Хулкар Баҳодирович, мумкин бўлса, касаба уюшмаларининг барча ишлаб чиқарувчи кучлари ва воситаларини имкони борича жиқлаштириш лозимлиги ҳақида гапирганингизда нималарни назарда тутаяпсиз, батафсилроқ тушунтириб берсангиз.

— Янги дастурий ҳужжатлар янги мураккаб вазифаларни ҳал этиш учун касаба уюшмалари ҳаракатини жиқс-



латлари касаба уюшмалари билан муштақам алоқаларни ва ҳамжиҳатликни сақлаб қолдик. Хитой, Хиндистон, Туркия, Германия, Франция каби давлатларнинг касаба марказлари билан дўстона алоқалар ўрнатилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва тармоқ касаба уюшмаларининг делегациялари кўпгина мамлакатларда бўлиб, ҳамкасбларимизнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги иш тажрибаларини

чайтириш зарурлигини таъкидладилар. Ҳозир касаба уюшмаларининг иштирокида янги муҳим ҳужжатларни, шу жумладан, меҳнаткашлар манфаатига даҳлдор бўлган аҳолининг кам даромадли қатламини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар устидан иш олиб бориляпти.

Касаба уюшмалари Президент И. А. Каримовнинг Олий Мажлис сессиясидаги маърузасини демократик жамият, гуллаб-яшнаётган давлатни барпо этиш йўллари белгиланган дастурий ҳужжат сифатида қабул қилдилар. Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маърузадан келиб чиқувчи вазифаларни бажариш юзасидан махсус тадбирларни ишлаб чиқди. Касаба уюшмалари барча ташкилотларида меҳнаткашлар билан кенг тушунтириш ишларини олиб бориш бошланди.

Республика касаба уюшмалари Олий Мажлис депутатларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини узайтиришга доир умумхалқ референдумини ўтказиш ҳақидаги қарорини тўла маъқуллайдилар ва қўллаб-қувватладилар.

— Касаба уюшмалари курултойи арафасида Ислам Абдуганиевич республика касаба уюшмаларининг фаоллари билан учрашди. Учрашувда қандай масалалар, муаммолар муҳокама қилинди?

— Президентнинг касаба уюшмалари фаоллари билан учрашувига келсак, ўйлайманки, бу алоҳида бир суҳбатимиз учун мавзу бўла олади. Кўриб чиқилган масалаларнинг муҳимлиги ва долзарблиги, мулоқотнинг ошқор, самимий руҳда ўтганлиги, Президент И. А. Каримовнинг касаба уюшмалари ходимларига берган маслаҳатлари ва билдирган истаклари, шакл-шубҳасиз бизнинг фаолиятимизга илҳомбахш таъсир этади, истиқболга мўлжалланган режаларимизни янада ойдинлаштириб олишимизга ёрдам беради.

— Касаба уюшмаларининг "Ишонч" ва "Ишонч — Доверие" газеталарига қандай ниятларингиз бор?

— Мана тўрт йилдирки, Ўзбекистон касаба уюшмалари ўз босма нашрига эга, "Ишонч" ҳамда "Ишонч — Доверие" газеталари мунтазам чиқиб турибди. Ана шу вақт ичида улар кўпдан-кўп муштарийларнинг эътиборини қозонди, мухлислар газеталарининг навбатдаги сонларини ҳамиша сабрсизлик билан кутишади. Эҳтимол, газеталарингиз саҳифаларида кўпроқ муаммолар, таҳлилий материаллар чоп этилишини, ишлаб чиқариш илгорлари ҳақида кўпроқ езилишини, ўқишли мақолалар кўпроқ берилишини истайман, десам нафақат ўз фикримни, шу билан бирга республика касаба уюшмалари фаолларининг, барча ўқувчиларининг фикрини ифода этган бўламан.

Республика касаба уюшмаларининг барча даражадаги кўмиталари газеталарингизни ҳамиша қўллаб-қувватлайдилар. Ижодий муваффақиятлар ҳамиша Сизга ер бўлсин!

— Сухбатингиз учун раҳмат!

Суҳбатни Акмал АКРОМОВ ва Александр СИЛЕЕНКОВЛАР олиб боришди.



БАРҚАРОРЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИ

"Ишонч" ва "Ишонч — Доверие" газеталари махсус мухбирларининг
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раиси
Хулкар Баҳодирович ЖАМОЛОВ билан суҳбати.

йил 1 январига қадар Ўзбекистонда 26 мингдан зиёд кичик корхоналар рўйхатга олинганини, уларнинг 60 фоизи хусусий эканлигини мисол қилиб келтириш кифоя. Ҳозиргача республикада 1,5 мингдан зиёд қўшма корхоналар ташкил этилди, уларнинг кўпчилиги қизгин фаолият кўрсатмоқда.

Президентимизнинг тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда рағбатлантириш тўғрисида қабул қилган Фармонлари, шакл-шубҳасиз, ислохотларнинг янада чуқур илдиришга хизмат қилади. Аслини олганда, ана шу ҳужжатлар тадбиркорлар билан давлат корхоналарининг моддий-техника воситаларини олиш, ахборот ва кадр ресурсларидан фойдаланиш борасидаги имкониятларини тенглаштиради.

Республикада ташкил этилган тадбиркорлик тизими ходимларининг касаба уюшмаси ҳам сон жиҳатидан, ҳам ташкилий жиҳатдан муштақамлашиб бормоқда. Ҳозир унинг сафларида 300 мингдан зиёд аъзо бор. Уларнинг орасида тадбиркорлар, ижарачилар, кооператорлар, кичик ва қўшма корхоналарнинг ходимлари бор.

Юқоридагиларни ва бошқа муаммоларни ҳал этиш зарурияти, янги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият касаба уюшмаларининг янги ҳаракат Дастури қабул қилинишини таъкидламоқда. Бозор ислохотлари ишловчиларнинг меҳнат ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларининг барча куч ва маблағларини имкони борича бириштиришни талаб қилаяпти.

Мулкка эгаллик кўринишлари ўзгариб бориши муносабати билан меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни ошириб бориш масалалари ғоят муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Касаба уюшмалари асосий куч-гайратларини меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини ислоҳ қилишга, унинг жамият миллий даромадидаги улушини кўпайтиришга са-

лаштириш ва унинг бирлигини таъминлашни энг асосий мақсадлардан бири қилиб қўймоқда.

Бу — бозор муносабатларининг қарор топиш шароитида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳукумат олдида, тадбиркорлик тизимлари олдида барча касаба уюшмалари аъзоларининг иродасини ифодаловчи, манфаатини ҳимоя қилувчи ягона ташкилот сифатида намоён бўлиши керак, демакдир. Агар биз ҳар қандай даражада — хоҳ у вазир бўлсин, хоҳ сармоя эгаси бўлсин — касаба уюшмаларининг талаб ва тақлифлари билан ҳисоблашишни истасак, Федерация Кенгаши уларнинг олдида республикамиз касаба уюшмалари барча ташкилотларининг тўла ҳуқуқли, барча зарур ваколатлар бериб қўйилган муҳтор вакили сифатида намоён бўлишига эришишимиз зарур. Бу тармоқ ва ҳудудий касаба уюшмаларининг ҳуқуқ ва ваколатларини асло камситмайди. Бу ҳам янги ҳужжатларда ўз аниқ ифодасини топан.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари бозор ислохотлари, мустақил демократик давлатнинг шаклланиш шароитларида иш олиб боришнинг янги усуллари ва шакллари изламоқдалар. Шу ўринда ривожланган мамлакатларнинг касаба уюшмалари тўплаган амалий тажрибалардан фойдаланиш ўринлидек кўринади. Халқаро фаолият, яқин ва олин хорижий мамлакатларнинг касаба марказлари билан ҳамкорлик қандай амалга оширилмоқда?

— Ўзбекистон истиқлолга эришиб, мустақил деб эълон қилинганидан сўнг республика касаба уюшмалари кўпгина хорижий мамлакатларнинг касаба марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ва муштақамлаш, ўзаро ердан ва тажрибаларни алмашиш борасида муайян ишларни олиб боришяпти.

Биз Марказий Осиё давлатлари — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, шунингдек Россия, Беларусь ва МДҲнинг бошқа дав-

ўрганиб қайтишди. Ўз навбатида чет давлатлар касаба уюшмалари делегациялари юртимизга тез-тез меҳмон бўлиб келишяпти. Уларнинг фикрига қараганда, бизнинг кўпгина соҳаларда, жумладан, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, меҳнат муҳофазасини ташкил этиш, меҳнаткашларни соғломлаштириш масалаларида, касаба уюшмалари фаолиятининг бошқа соҳаларида ўргана арзийдиган тажрибаларимиз бор.

Ўтган йилнинг охирида республика касаба уюшмалари делегацияси Дамашқда бўлиб ўтган касаба уюшмалари Жаҳон конгресси ишида биринчи марта иштирок этди. Ўзбекистон касаба уюшмалари билан халқаро касаба уюшмалари ҳаракати ўртасида изчил интеграция жараёни кечмоқда.

— Хулкар Баҳодирович, Сиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатисиз, қонун чиқарувчи олий органда касаба уюшмалари аъзоларининг кўпмиллионли отряди манфаатларини ифода қиласиз. Ана шу юксак минбардан туриб, қайси етилган муаммоларни ва масалаларни кўтариб чиқиш ниятидасиз?

— Касаба уюшмалари жамоат ташкилоти бўлгани учун тўғридан-тўғри қонун чиқариш ташаббуси билан чиқмайди. Шунга қарамай, касаба уюшмалари мутахассисларининг фаол иштирокида Ўзбекистон Олий Кенгаши қабул қилган республика фуқароларининг пенсия таъминоти, аҳолининг иш билан бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонулар ва бошқа муҳим ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида давлатни бошқаришда, сиёсий жараёнларда, фуқаролар иштирокининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, сиёсий партиялар билан касаба уюшмалари ҳуқуқи ва фаолият доирасини кенгайтириш, уларнинг давлат ишларига таъсирини қу-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛЛАРИ- ДАН БИР ГУРУХИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЛАШЧЕНОВА Анна Ивановна — Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши нусха кўпайтириш цехининг бошлиғи, Тошкент шаҳри

МУҚИМОВ Моҳир Муқимович — вилоят алоқа ходимлари касаба уюшмаси бирлашган кўмитасининг раиси, Наманган вилояти

МУРСАЛИЕВА Тамара Бабановна — Ўзбекистон енгил саноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитасининг раиси, Тошкент шаҳри

РАЖАБОВ Эсонбой Ражабович — Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари кенгаши раиси

РАСУЛОВ Баҳодир Саидмақсудович — Боевот туманидаги 4-мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

САИТОВ Рубис Саитович — Наманган вилояти маҳаллий саноат ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси раисининг ўринбосари

ТАЛДИБОВ Ботирбек Қўнишович — Қўйичирчиқ туманидаги "Янги ҳаёт" жамоа хўжалиги касаба уюшмаси кўмитасининг раиси, Тошкент вилояти

ХУШИЕВ Ислон — Жиззах касаба уюшмалари кенгаши раиси

ЮДИН Виктор ПЕТРОВИЧ — Кон-металлургия комбинати марказий руда бошқармаси касаба уюшмаси бирлашган кўмитасининг раиси, Навоий вилояти

ЕҚУБОВ Шокиржон Усмонович — Ўзбекистон қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитасининг раиси, Тошкент шаҳри

КЎЙДАГИЛАРГА ФАХРИЙ УНВОНЛАР БЕРИЛСИН:
"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ"

ОДИЛХОНОВ Ориф — "Сўқок" дам олиш уйи директори, Тошкент вилояти

СОБИТОВ Тўлқин Ҳамидович — Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

ҲАЙРУЛЛАЕВ Шариф Камолович — касаба уюшмалари Бухоро вилоят кенгаши раиси

ҲОМУТОВ Александр Поликарпович — Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси "Саломатлик" цехининг участка бошлиғи, Тошкент шаҳри

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ"

АШУРАЛИЕВ Азизжон Мамажонович — Ўзбекистон геология, нефть ва газ саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитасининг раиси, Тошкент шаҳри

НАЗИРОВА Тўпахон — Марҳамат туманидаги электр-техника заводининг чилангари, Андижон вилояти

УБРАИМОВ Абдуғофир Абдукаримович — Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлургия комбинати касаба уюшмаси кўмитасининг раиси, Тошкент вилояти

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТРАНСПОРТ ХОДИМИ"

ТУРДИЕВ Музапар Абдуллаевич — Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси, Тошкент шаҳри

ҲАКИМОВ Қўчқор — Локомотив депоси касаба уюшмаси кўмитасининг раиси, Тошкент шаҳри

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ"

АБДУЛЛАЕВА Озодхон — Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитасининг раиси, Тошкент шаҳри

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТРЕНЕР"

МАМАТҚУЛОВА Татьяна Абдурахмоновна — олимпия резерви ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабининг директори, Тошкент шаҳри

ЎТАЕВ Рўзи Қиличевич — олимпия резерви ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт макта-

бининг самбо кураши бўйича катта тренери, Сурхондарё вилояти

ВА ҚЎЙДАГИЛАР
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

АБДУЛЛАЕВА Юлдуз Рустамовна — "Сўғдиёна" хусусий корхонасининг мураббий устаси, Хоразм вилояти

АБДУРАҲИМОВ Эшмуҳаммад — "Бўстонсувқурилиш" трести касаба уюшмаси кўмитасининг раиси, Жиззах вилояти

АВДЕЕНКО Николай Данилович — "Аммофос" ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси кўмитасининг раиси, Тошкент вилояти

АВЛИЕҚУЛОВА Дилбар Усмоновна — Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кўмитасининг раиси

АЗИМОВ Акмал — Фарғона тумани халқ таълими ва илм-фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитасининг раиси, Фарғона вилояти

АЙТБОВЕВ Сотимбой — Эллиқалъа тумани деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кўмитасининг раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

ОТАЖОНОВ Озод — Хоразм вилояти касаба уюшмалари кенгаши раисининг таъкилий ишлар бўлими мудири

АХРОРҚУЛОВ Владимир Эсоққулович — Самарқанд шаҳар электр тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси кўмитасининг раиси

БОТИРОВ Мамажон — Бешарик тумани соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кўмитасининг раиси, Фарғона вилояти

БРАЖИНА Светлана Петровна — Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши машинка ёзувхонасининг мудири, Тошкент шаҳри

ВУКОЛОВ Юрий Павлович — "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясига қарашли 243-корхона касаба уюшмаси кўмитасининг раиси, Тошкент шаҳри

ҒАФУРОВ Рустам Толибович — Навоий туманидаги "Зарафшон" жамоа хўжалиги касаба уюшмаси кўмитасининг раиси, Навоий вилояти

ҒИЁСОВ Ниез — Шофиркон туманидаги "Ҳайдаробод" жамоа хўжалиги касаба уюшмаси кўмитасининг раиси, Бухоро вилояти

ЕФРЕМОВ Борис Владимирович — касаба уюшмалари Тошкент шаҳар кенгаши раисининг ўринбосари

ЖАРОВА Надежда Яковлевна — Тошкент шаҳар қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ходимлари касаба уюшмаси кўмитасининг раиси

ЖУРАВЛЕВА Вера Амоновна — Самарқанд вилояти ижара, қўшма, хусусий ва кичик корхоналар ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси

ИБРОҲИМОВ Маъмуржон Норқозиевич — Янгийўл шаҳридаги 2503-автоколонна касаба уюшмаси кўмитасининг раиси, Тошкент вилояти

ИБРОҲИМОВ Фазлитдин — Наманган вилояти деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кўмитасининг бўлим мудири

КАРИМОВ Ибодулло Очилович — "Бухоротекст" акционерлик жамияти касаба уюшмаси кўмитасининг раиси, Бухоро вилояти

ҚИЕВОВ Нарзулло — Қизилқум туманидаги "Қўнқўш" жамоа хўжалиги касаба уюшмаси кўмитасининг раиси, Сурхондарё вилояти

ҚОСИМОВ Неъматулла Тешабоевич — Ўзбекистон Киме саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитасининг раиси

МАМАЖОНОВ Мўминжон — Охунбобоев туманидаги Навоий номи жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Фарғона вилояти

МАМАДАЛИЕВ Умматалли — Хўжабод тумани савдо ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитасининг раиси, Андижон вилояти

МАЪРУФХЎЖАЕВ Ҳасан Носирович — "Оникс" акционерлик

жамияти касаба уюшмаси кўмитасининг раиси, Тошкент шаҳри

МИРЗАЕВ Хурсанд Мирзаевич — Денов шаҳар халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси кўмитасининг раиси, Сурхондарё вилояти

НАЗАРЖОНОВ Тоҳир — Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитасининг раиси, Тошкент шаҳри

НОДИРОВ Ражаб — Жомбой туман ҳокимлигининг бўлим мудири, Самарқанд вилояти

НУРИМБЕТОВ Аллаёр — Хўжайли таксомтор корхонаси касаба уюшмаси кўмитасининг раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

НУРУЛЛАЕВ Кенгесбой Қурбонбобоевич — Қўнғирот туманидаги марказий касалхона касаба уюшмаси кўмитасининг раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

ПАРДАЕВ Чори Турдиевич — Ғузур-туманидаги марказий касалхона бош шифокорининг ўринбосари, Қашқадарё вилояти

ПОШШОХЎЖАЕВА Тўлқиной — 62-мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

ПРИМОВ Раҳмат — Касби туманидаги Шароф Рашидов номи кооператив-жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи, Қашқадарё вилояти

РАҲИМОВ Адҳам Илҳомович — Ўзбекистон маҳаллий саноат ва коммунал маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитасининг раиси, Тошкент шаҳри

СОБИРОВ Каримбой — Янгиарик тумани халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси кўмитасининг раиси, Хоразм вилояти

СУЛТОНОВ Асқарали — Ўзбекистон халқ таълими ва илм-фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитаси раисининг ўринбосари, Тошкент шаҳри

ТОҲИРОВ Ҳикматжон — Ўзбекистон автомобиль транспорти ва тош йўллар ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитасининг бўлим мудири, Тошкент шаҳри

Ўрмонов Вил Абдуллаевич — Тошкент вилояти халқ таълими ва илм-фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитасининг раиси

ҲАЙДАРОВА Насиба Пайғомовна — Гулистон зотли паррандачилик акционер хўжалигининг паррандабоқари, Сирдарё вилояти

ҲАМРОЕВ Рустам Раҳматович — Ўзбекистон давлат телерадиокомпанияси касаба уюшмаси кўмитасининг раиси, Тошкент шаҳри

ХОЛМУРОДОВ Қулсоат Эшқурбоневич — "Хўжайкон" туз кони касаба уюшмаси кўмитасининг раиси, Сурхондарё вилояти

ХУДОЙБЕРДИЕВА Муяссар — Самарқанд вилояти савдо, матлубот кооперацияси ва умумий овқатланиш ходимлари касаба уюшмаси кўмитасининг раиси

ШОДИЕВА Мария Бахриддиновна — пенсияер, Самарқанд вилояти

ШОИМОВ Йўлдош — Яккабоғ тумани деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кўмитасининг раиси, Қашқадарё вилояти


ШЕГАЙ Раиса Семеновна — Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ижтимоий сугурта ва соғломлаштириш бўлимининг маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

ЭРҒАШЕВ Шодмонали — Избоскан тумани халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси кўмитасининг раиси, Андижон вилояти

ЮСУПОВ Толип Юсупович — Ўзбекистон деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитасининг меҳнат бош техника инспектори, Тошкент шаҳри

ЮСУПОВА Зарипа Мўминовна — "Санири" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси кўмитасининг раиси, Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
1995 йил 16 март.



Уир мисли даредир, мавжла-
ниб, тўлқин уриб, соҳиллардан
ошиб, қирғоқлардан тошиб,
жўшқинлиб турмаса файзи-
фазилати қаёқда дейсиз. Респу-
бликамиз касаба уюшмалари фа-
оллари ҳам ана шундай жўшқин,
тиним билмаслар. Улар тез-тез
тадбир ўтказиб, тажриба ал-
машади, хорижий ҳамкасблари
билан мулоқотда бўлишади.



ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

• **ЎЗБЕКИСТОН Республикаси** Президенти Ислон Каримов Дания пойтахти Копенгаген шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташаббуси билан 130 дан ортиқ давлатлар ва ҳукуматларнинг ижтимоий тараққиёт масалаларига бағишланган олий даражадаги учрашувда қатнашди. Учрашувда Ўзбекистон Президенти И. Каримов нутқ сўзлади ва қатнашчилар эътиборини тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, Орол фожияси муаммоси, Тожикистон ва Афғонистондаги воқеаларга қаратди.

• **РЕСПУБЛИКАМИЗ** Президентининг Фармонида асосан кўп йиллик самарали меҳнатлари, қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганликлари ва ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганликлари учун мамлакатимиз деҳқончилик саноати мажмуи ходимларидан бир гуруҳи республика Фахрий унвонлари ва Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

• **ТОШКЕНТДА** деҳқончилик саноати мажмуи ходимларининг пахтачилик-ни ривожлантириш бўйича республика кенгаши бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди. Кенгашда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Р. Ҳусанов ўтган йилги якунлар ва республика пахтакорларни олдида турган вазифалар ҳусусида маъруза қилди.

• **ЎЗБЕКИСТОН Республикаси** Референдумини ўтказувчи Марказий комиссияда Референдум ўтказувчи округ комиссиялари раисларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда республика вазирликлари, давлат кўмиталари ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

• **ЎЗБЕКИСТОН Республикаси** Олий Мажлиси Раиси ўринбосари, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Генри Лин Кларкни қабул қилди. Генри Лин Кларк Қорақалпоғистондаги бир қатор корхоналар, маданият, илм-фан масканлари ва тарихий жойлар билан танишди.

• 15 март кунин Тошкентда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг навбатдаги пленуми бўлди. Унда Президент Ислон Каримовнинг Олий Мажлис биринчи сессиясида сўзлаган маърузаси ҳамда парламентнинг мамлакат Президенти ваколатлари муддатини узайтириш масаласи бўйича республика референдумини ўтказиш ҳақидаги қароридан келиб чиқадиган касаба уюшмаларининг вазифалари муҳокама этилди. Бу ҳақда кенгаш раиси Х. Жамолов маъруза қилди.

Пленум қатнашчилари мамлакатимиз раҳбари маърузасидаги қонда ва ҳулосаларини тўла маъқулладилар, Олий Мажлиснинг референдум ўтказиш тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватлаган ҳолда, барча меҳнаткашларни 26 март кунин бўладиган умумхалқ референдумида фаол иштирок этишга чақирдилар.

Пленумда Ўзбекистон касаба уюшмалари XV қурултойининг кун тартиби билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Соғлом авлод учун

Йигирма мингдан ортиқ фарзанд туғдириб, нафақат Беруний туманида балки Қорақалпоғистонда кўпдан тилга тушган Савия опа Файзираҳмоновна Муҳиннинг малакали муолажалари туфайли оналик бахтига муяссар бўлганлар бугун бесаюқ.

... Бибижон Олимованинг 39 ёшида кўзи ёриди. "Правда" жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи бу жувон ҳозир 3 нафар фарзанднинг онаси.

Элликқалъа туманидаги "Қилчиноқ" жамоа хўжалигилик Гулчехра Мадёрова фарзандсизлик доғида куйиб юрган муштипарлардан бири эди. Умид, ихлос билан Савиянинг қабулига келдилар. Кам бўлмади. Турмуш қурганларининг учинчи йили кўчқордек ўғил туғиб олди. Ҳозир унинг ҳам бир-бирдан ширин тўрт нафар фарзанди бор.

Навоий жамоа хўжалигида 47-мактаб ўқитувчиси Тозагул Қутлимуродованинг қалб сўзларига қулоқ тутилса, Савия опага аёл -

ДОЯ ОПА

ларнинг меҳр-муҳаббати, ишончи қанчалик баландлигига яна бир марта гувоҳ бўласиз.

— 1980 йили тўйимиз бўлиб, турмуш ўртоғим билан не-не ширин умидлар, ниятлар билан бир ёстиққа бош кўйган эдик, — дейди Тозагул. — Бир бирини қувалаб йиллар ўтавердию аммо бўйимда бўлмади ҳеч. Аёл учун фарзандсизлик бахтсизлик экан. Ўз бошимдан кечирдим буни. Еганим татимай, дунё кўзимга тор бўлиб қолади баъзан. Йўқ, бахтим бор экан, Савия опамнинг қабулига келдим. У киши даволади. Биринчи фарзандим — Юлдуз дунёга келганида яшаш шу қадар лаззатли туюлдики, асти қўяверасиз! Ҳозир уч фарзандим соғ-саломат ўсмоқда. Савия опамнинг биз аёллар бахтига ҳамиша омон бўлишларини, оиласидан бахт, тотувлик, тўкин-сочинлик бир умр аримаслигини аллоҳдан тилайман.

Кўплаб оналар Савия опага миннатдорчилик рамзи сифатида қизларига "Муҳина" деб исм қўйишган. Маҳтумқули номли, "Озод" жамоа хўжаликларида эса кўп қизларнинг исми Савия эканлигига гувоҳ бўлдик.

Не бахтки, Савия опанинг ўзи доялик қилиб, туғдирган қизлари Гулаша Пак ва Гуля Бисенбоевалар ҳам у билан ёнма-ён сафда туриб ишламоқдалар. Иккаласи ҳурмат-иззатга сазовор, олий маълумотли акушер-гинеколог.

Муҳинларнинг аҳил оиласида тарбияланган фарзандлар эл-юрт қорига ярайдиган комил инсонлар бўлиб етишишган. Ўғли Эрдош Берунийдаги бройлер фабрикасида илғор ишчи. Элдор эса иқтисодчи. Келини Гавҳар ҳам Савия опанинг изидан бориб, туғруқхонада болалар ва оналар саломатлигини муҳофаза қилиш жонкуяри. Бири-бирдан ширин набиралари бор.

Савия опа бир неча йил олдин фахрий дам олишга чиққан эди. Аммо тажрибаси, хизматига эҳтиёж сезилганлиги боис, минг бора таволлолар билан ишга қайтишга кўндиришди. Савия опа бугун ҳам хизмат жойида сергак. Чунки у бекалик қилаётган чилла даргоҳи — туғруқхонада мустақил мамлакатимиз келажаги бўлиши янги авлодлар дунёга келади. Уларнинг жонини сақлаб қолиб, бардам-бақувват камол топишига йўллашнинг ўзи бўлмайди, албатта. Аммо Савия опа бу иши билан фахрланади, умрига умр қўшилади...

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ.

Қашқадарё вилояти университети касабаси уюшмаси раиси Мурод Бердиев номи раҳбарият ҳам, талабалар ҳам, хизматчилар ҳам алоҳида ҳурмат-эҳтиром билан тилга олишди. "Талабалар раиси" шайнига илиқ сўзлар айтишди.

— Мен тиббиёт-география факультетида тахсил кўрганман, — дейди география кафедраси мудири, доцент Бахриддин Калонов. — Уша йиллари ҳам Мурод аканинг касабаси уюшмаси раиси сифатида ташкилотчилик, ташаббускорлик қобилиятларига қўйил қолардиқ. Ҳар кун у кишини ешлар орасида кўрамиз, ошхоналарда овқатнинг сифати, талабаларга қандай хизмат кўрсатилаётганлиги, ётоқхоналардаги аҳоли, моддий жиҳатдан кам таъминланган талабаларга кўрсатилаётган раҳм-ҳурматни назорат қилишларини кузатардиқ. Кеча-ю кундуз Мурод Бердиев ешлар дарди, ташвиши билан яшарди.

Ана шундай серташвиш одамдан бизлар ҳам кўп жиҳатдан ибрат олардиқ. Республика касабаси уюшмалари курултойи, Москвада Бутуниттифок касабаси уюшмалари Марказий Кенгашининг Пленумларида қатнашиб, сўзлардан маърузаларини кўп эшитганмиз.

Хуллас, касабаси бўлмасин, фақат ешлар манфаатини ҳимоя қилар, уларнинг тақдири, келажакини ўйлаб жон куйдирадди.

— Хонамдан ешларнинг қадами узилмасди, — деб эслайди Берди аканинг ўзи ҳам, — Бир кун Комилов деган йигит кириб келди. Математика факультетида ўқиркан. Биттагина синовдан ўтолмаганлиги сабабли стипендиясиз қолибди. Вазиятни ўргандик. Комилов уч боланинг отаси. Стипендия ололмаси ҳоли хароб. Моддий ердан уюштирдик, ректорга кириб, стипендияга тиклашни сўрадик. Ана шундан кейин унинг қувонганини кўрсангиз...

1977 йили бир неча кам таъминланган, оилавий аҳоли оғир талабаларга ётоқхонадан жой тегмай қолибди. Англашил-мовчиликлар рўй берган экан. Ҳаммасини жойлаштирдик. Ёки ошхоналардаги, ётоқхоналардаги тартиббузарликлар бўйича қанчадан-қанча текширувлар ўтказиб чора-тадбирлар кўрганлигини айтмайсизми? Ҳа, касабаси уюшмаси кўмитаси та-

шаббаскор эди. Талабалар маданий-оқартув тадбирларини уюштириш, спорт мусобақалари ўтказиш ўзaro беллашувлар ташкил этиш, ётоқхоналар ўртасида тозалик, озодалик учун кўрик-танловлар уюштириш, ўқув-тарбия ишларининг қандай олиб бораётганлиги билан машғул бўлиш, қишқи ва ёзги им-тиҳонлар даврида талабаларни дам олишини ташкил қилиш, уларнинг яшаш шароитларини ўрганиб, ижара ҳақини тўлаш учун пул ўтказиш, институт ва шаҳар ҳудудида ободонлаштириш; кўкаламзорлаштириш тадбирларига фаол қатнашиш, пахта йигим-терими давридаги фаолликлар. Хуллас, барча ишларни рўёбга чиқаришга улгурарди...

Мурод Бердиев ҳозирги кунда жисмоний тарбия факультетининг катта ўқитувчиси бўлиб ишлаётган бўлса-да, ҳамон ешларга раҳм-ҳурмат, барча унга "Талабалар раиси" сифатида мурожаат қилади.

Енгил атлетика мутахассиси, илмий ҳодим, жисмоний тарбия ўқитувчилари ва талабалари учун нашр этилган қўлланма муаллифи, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, касабаси уюшмаси кўмитаси фахрийси. Бугун домла эллик ешга кирди.

— Салкам йигирма йиллик умрлари "Талабалар раиси"лигида ўтди, — деб ҳикоя қилади домланинг рафиқаси, Қарши "Санам" тикувчилик фабрикаси тикувчиси Холбиби опа Бердиева. У кишида на туллари, на кундузлари тиним бор эди. Жисми-жонлари билан ўз ишларига шўғил юрардилар. Аммо ўзларини ўйламасдилар ҳеч. Шу вазданми бугунга келиб саломатликлари унча яхши эмас...

Мурод Бердиев ва Холбиби опалар тўрт ўғил, бир қизни тарбиялаб вояга етказишмоқда. Олим, Ориф, Одил ота изидан кетди, Озод спортчи, Гузал эса шифокор бўлмоқчи.

Касабаси уюшмалари фахрийси, талабаларнинг сеvimли раиси буvasи Мурод Бердиевнинг эллик ешга кирганлари билан биз ҳам чин дилдан қўтлаймиз, ишларига каттадан-катта ютуқлар, умрларига барака тилаймиз.

Жалол ЯХШИБОВ.



Баҳор шабодаси майин-майин. Кўёш чарқлаб шаффоф дала, қирларни зарга буркар. Оппоқ булутларнинг оппоқ кўксига жипо, кўзни олади. Барчада тотувлик, тенглик, меҳр-оқибат ҳислари қайноқ. Бир-бирларини баҳор билан қўтлайдилар. Бир-бирларига ахши қай-фият, умрбоқийлик тилайдилар. Ўзаро ҳамжиҳатлик, танглик, тенгликни бир умр ўзига шнор қилиб олган Ўзбекистон касабаси уюшмаларининг 70 йиллик тўйи ҳам шу му-борақ кунларга тўғри келганлиги бежиз эмас, албатта. Тўй билан фахрийлар қўтланади, болақайлар шод-хандон, меҳнатда ўрнат қўрсатганларга совға-саломлар улашिलाди...



Ўзбекистонда мустақилликнинг эълон қилиниши билан миллий давлат-чилигимизнинг янги тизими шаклланди. Жамиятнинг сиёсий тизимида туб инқилобий ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Республикадаги жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий асослари Конституцияда ўз ифодасини топди. Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касабаси уюшмалари ҳам фуқароларнинг бошқа уюшмалари қатори жамоа бирлашмаси сифатида эътироф этилди.

Истиқлол туфайли бугунги кун маънавиятида халқчиллигининг тарихини, ижтимоий ва сиёсий фаолиятини чуқурроқ ўрганишга, жумладан касабаси уюшмаларининг серқирра тарихини холисона таҳлил қилишга катта имкониятлар туғилди. Хуллас, яшаб турган жамиятимиз тарихида янги давр бошланди. Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш учун бошланган жараён касабаси уюшмалари фаолиятини яхшилаш ва такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда Республика касабаси уюшмалари ўз сафида етти миллиондан кўпроқ аъзоларни бирлаштириб, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги туб қайта қурилишида уларнинг фаол иштирокни таъминламоқда.

Бу йил Ўзбекистон касабаси уюшмалари тузилганлигига 70 йил, Марказий Осиёда касабаси уюшмалари ҳаракатининг бошланганлигига эса 90 йил тўлади.

Босиб ўтилган 70 йиллик йўлга яна бир разм солиб шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, касабаси уюшмалари ўзига хос, жуда мураккаб даврни бо-

сиб ўтиш жараёнида муайян тарихий тажрибаларни қўлга киритдилар. Шу билан бир қаторда, ҳокимиятнинг партия-давлат диктатураси даврида республика касабаси уюшмалари ўз вазифаларини тўлиқ ва мустақил адо эта олмадилар. Бу нуқсонларни эътиборга олганда улар ана шу 70 йиллик даврда бугунги кунда эшлагча арзигудек, муносиб из қолдирдилар.

Шуниси характерлики, касабаси уюшмалари 20-30 йилларда энг оммавий ташкилот сифатида меҳнатқашлар оммаси орасида эътиборга лойиқ хўжалик-ташкilotчилик ишларини олиб борадилар.

Ўзбекистон касабаси уюшмаларининг ташкил топиш вақти 1924 йил охири ва 1925 йилнинг бошларига тўғри келади. Аниқроғи Республика касабаси уюшмалари мустақил ҳаётини (фаолиятини) 1924 йил декабри бошларида, бошлади — унинг ташкилий бюроси тузилди. 1925 йилнинг 21 мартида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон касабаси уюшмаларининг таъсис съезди бўлди. 1925 йил охирида келиб касабаси уюшмалари 90 мингдан ортиқ кишиларни, шу жумладан туб халқлар вакилларида 36,5 минг кишини ўз сафида бирлаштирди.

Бу даврда касабаси уюшмаларининг фаолиятида хўжалик-ташкilotчилик ишининг кучайиши ўзига хос жиҳатлардан бири бўлди.

Касабаси уюшмалари иш ҳақи, нарх-наво, турар-жой, шифохона бинолари қурилиши масалалари билан, халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш, ялпи саводсизликни тугатиш, бу фаолиятдаги мактаблари учун шарт-шароитлар тайёрлаш, фабрика-зааволарда кечки саводсизликни тугатиш мактабларини ташкил этиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, суғурта

кассалари, касалхоналар, дам олиш уйлари ташкил этиш, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни ташкил этиш каби масалалар билан фаол шугулланидилар.

Уша даврдаги касабаси уюшмалари фаолиятига хос жиҳатлардан бири, миллий ишчилар отряди (корпусини) ташкил этиш учун олиб борилган ҳаракатдир. Бу ҳаракат тез қулоқ отди. Натижада 1926 йилнинг 1 январида маҳаллий миллатга мансуб касабаси уюшмаси аъзолари сони 57230 кишига етди. 1925 йил октябры ойида "Рабземлес"да 1495 кишини бирлаштирган касабаси уюшмалари ташкил топди. Умуман олганда, 1925-1926 йилларда ёш республика касабаси уюшмалари ҳаракатида ташкилий соҳада катта ижобий силжишлар рўй берди.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари фаолиятидаги йўналишларидан бири — бу оммавий ташкilotнинг хотин-қизларни давлат ишларига, ишлаб чиқаришга кенг жалб қилиш ҳақидаги "Хўжум" дастурини амалга оширишда, жойларда маданий-оқартув ишларини яъни, кутубхоналар, чойхоналар, клублар, амбулаториялар ташкил этишдаги фаолиятидир.

Лекин, шуни эътироф этишимиз лозимки, ўша 20-30 йиллардаги шароитларда меҳнатқашлар манфаатини тўла-тўқис ҳимоя қилиш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмасди. Чунки, шароит ҳали етарли эмас эди. Лекин ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли кўпгина масалаларда касабаси уюшмалари ижобий ролни ўйнади.

Саноатни бошқаришни қайта қуриш сиёсати ўз навбатида касабаси уюшмаларидан корхоналарда уюшмаси устодонлик билан раҳбарлик қилишни талаб этди. Шу сабабли 1931

йил январда саноат тузилмасига мувофиқ касабаси уюшмалари ташкilotларини майдалаштириш (кичиклаш) тўғрисида қарор қабул қилинди. Натижада Ўзбекистонда 20 та ўрнига 33 та уюшма ташкил этилди. Шундан 22 та энг йирик, ташкilotларда Марказий бошқарма тузилди. Фабрика-заавод маҳаллий кўмиталар таркибининг 76 фонзи янгиланди. Қайта сайлов натижасида Ўзбекистонда 2103 та касабаси уюшмаси гуруҳи ва 393 та цех

рининг фаолияти омманинг меҳнат ташаббусини кенг ёйиш, халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш, саноатнинг янги тармоқларини барпо этиш, янги завод-фабрикалар қуриш ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилганлиги билан характерланади.

1948 йилда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Кенгаши корхоналардаги олиб борилаётган мусобақаларни мувофиқлаштиришда муҳим роль

ЖАМИЯТ ТАРИХИДА

кўмиталари сайланди. Кўплаб ташкilotчи кадрлар фаолият кўрсата бошладилар.

1931 йилда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Кенгаши ва Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги Кенгаши ташаббуси билан ихтирочилар жамияти ташкил этилди. 1933 йилда бу жамият 4178 иқтидорли кишиларни бирлаштирди.

Иккинчи жаҳон ўруши даврида касабаси уюшмалари ташкilotларининг фаолияти ҳам Германия фашизми устидан ғалаба қозонишга йўналтирилди. Асосан фронт орқасини мустаҳкамлашда, фронтини озқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва зарурий қуроллар билан таъминлашда касабаси уюшмалари ташкilotларининг ҳиссаси катта бўлди.

Урушдан кейинги даврда Республика касабаси уюшмалари ташкilotла-

ўйнади. 1951-1955 йилдан республика корхоналарида тушган рационализаторлик таклифлари сони 52156 тага етди. 1957 йилга келиб, Ўзбекистонда 11 та илмий-техник жамияти тузилди. Улар 11 мингдан зиёд ихтирочиларни бирлаштирди.

1957 йилда Ўзбекистонда 11 та республика тармоқ кўмитаси, 71 та вилоят касабаси уюшмаси кўмитаси ташкил этилди. Шаҳар ва туман кўмиталари 10 фонзга қисқарди.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари ташкilotлари 50-йиллардан бошлаб жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий шарт-шароитларидан келиб чиқиб ўз фаолиятининг асосий йўналишини меҳнатқашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, корхоналарда мусобақаларни ташкил этишга, меҳнат шароитларини яхшилашга қарата бошлади.

Ўзбекистон касба уюшмалари сингари вилоятимиз касба уюшмалари босиб ўтган йўл ҳам, шонли, зафарлидир. Шу маънода уни кўплаб жилғалардан бошланиб, катта дарёга бориб қўшилган ирмоқлардан бирига ўхшатгим келади. Шу муносабат билан вилоят кенгаши ташкилий бўлим mudiri P. K. Валиева бир неча саволлар билан мурожаат қилдим.

— Райил Қурбонгайиевич, илгари Партия, совет ташкилотлари бирон-бир касба уюшма ташкилоти фаолиятига баҳо берадиган бўлса, энг аввало шу ташкилотнинг хўжалик вазифаларини бажаришга кишиларни қай даражада сафарбар эта билишига қараб баҳолардилар. Шундай эмасми?

— Шундайку-я, лекин касба уюшмалари ҳамisha кишиларни эзгу ишлар сари даъват этиб, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни биринчи ўринга қўйиб, келганлигини тан олмай илож йўқ. Ҳатто, коллективлаштириш йилларида ҳам касба аъёкалари деҳқонларни жамоа усулида ишлашга чорлаш билан иш қуролларини тўғри тақсимлаб берилиши устидан назорат олиб борган. Улар

фуқароларнинг тезроқ саводхон бўлиши ҳақида қайғурганлар. Касба уюшмаларининг жонбозлиги туфайли 1929 — 1930 йиллари вилоятдаги 72 та болалар майдончасининг 52 таси касба уюшма ташкилотлари маблағи ҳисобига ишлаб турарди.

лари томонидан меҳнат аҳли манфаатларининг ҳозиргидек устивор ҳимоя қилинишида ўша йиллар тажрибаси иш бераётганлиги сир эмас.

— Касба уюшмаларининг жамоа шартномаси тузиш, мусобақалар ташкил қилиш борасида озмунча тажриба

бўлган. Зотан, бундай шартномаларнинг ҳар иккала томон учун ҳам фойдали эканини ҳаёт таъдиқлаб берди кейин.

Касба уюшмалари меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишда ўз бурчларига содиқ қолдилар. Энг муҳими, касба уюшмалари ҳозирги мураккаб даврда меҳнаткашлар барча аҳоли табақасининг ижтимоий-иқтисодий, қонуний ҳақ-ҳуқуқларининг чин ҳимоячилари сифатида майдонга чиқди. Буни исботлаш учун вилоятимизда бошланғич касба уюшма ташкилотлари сони янги аъзолар ҳисобига ўзлуксиз ортиб бораётганини кўрсатишининг ўзи кифоя. Ҳозир жойларда 411 минг нафардан ошдиқроқ аъзоси бўлган 3467 бошланғич касба уюшма ташкилоти ишлаб турибди. Уларнинг амалий меҳнати ва ташаббускорлиги бозор муносабатларига ўтишда шубҳасиз, ҳал қилувчи роль ўйнаётди.

Етмиш йиллик ҳаётий тажрибалар, муқаддас анъаналаримиз касба уюшмаларининг бундан кейинги муваффақиятли фаолиятлари учун ҳам маёқ бўлиб қолади.

Сухбатдош: С. МЕНГНОВ,
“Ишонч” мухбири,
Сурхондарё вилояти.

БУРЧГА СОДИҚЛАР

1935 йилдан эътиборан касба уюшмалари вилоятда маданий-маиший хизматларини ри-вожлантириш, ёшларни мактабларга жалб этиш, ишлаб чиқаришда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва техника хавфсизлигини таъминлаш масалалари билан шуғулланганлар. Термиз темир йўл тармоғи, Термиз пахта тозалаш заводи, “Ҳазорбоғ” давлат хўжалиги, Шеробод, Денов, Шўрчи МТСлари бошланғич касба уюшма ташкилотларининг бу борадаги илғор тажрибалари маҳаллий газета саҳифаларида ёритилиб турган. Яхшилик унутилмаганидек, эзгу ишларга истак ҳам йўқ жойда пайдо бўлмайди. Касба уюшма-

қолдирмаганликларини ҳам эсладим ҳозир.

— Балли. Касба уюшмаларининг жамоа шартномалари асосида ишлаши 1924 — 1925 йиллардан бошланган. Корхона ва ташкилотларнинг маъмуриятлари билан тузилган шартномаларида ишловчиларга қулай иш шароити яратиб бериш, иш ҳақини тўғри тақсимлаш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, илғорлар учун мукофотлар жорий қилиш кабилар кўзда тутилган эди. Шартнома шартларининг бажарилишини кузатиб бориш ва бу ҳақда жамоа аъзоларига вақти-вақти билан ахборот бериб туриш касба уюшма ташкилотларининг диққат марказида

Касба уюшмаларининг меҳр-марҳамати оламча бор. Самимият эрур унинг гоёси. Инсон сийҳат-саломатлигини ўйлаш, осойишталигининг гамини сийш азалдан бу ташкилотнинг шioriдир. Ана шу гамхўрона саъй-ҳаракатлар туфайли йилдан йил янги-янги сийҳаттоҳлар, шифоналар қад тиклайди. Дам олинш масканлари, сиз кўриб турган суратлардаги “Мироқ”, “Марҳамат” сингари кўшалаб кўркем оромгоҳлар жамол очади.

МАГРУРЛИККА ДАҲЛДОРЛАР



Урушдан сўнг саноат корхоналари қурилишларида қўшқоқ хўжалигида халқимиз кўтаринки руҳ билан меҳнат қилишга астойдил киришган эди. Бу ўз навбатида меҳнатни тўғри ташкил қилиш, меҳнат хавфсизлигини яхши йўлга қўйиш, иш ҳақини тўғри белгилашни ва ишчи-хизматчилар соғлиғи тўғрисида гамхўрликни кундан-кун ошири-лишини талаб қилишда вазифалар республикамиз касба уюшмалари зиммасига юкланган эди. Шу мақсадда республикамиз раҳбарияти касба уюшмаларининг ишини ташкил этиш учун уруш қатнашчиларидан катта гуруҳни касба уюшмалари ишига жалб этганди.

Булар орасида тажрибали кишилар бор бўлиб, меҳнат фаолиятлари билан Ўзбекистон касба уюшмаларининг асосчилари даражасида танилган эдилар.

Касба уюшмаларининг 70 йиллиги муносабати билан бугун уларга алоҳида ташаккурлар изҳор этиб, тирикларига барҳаётлик, шон-шўҳрат ва ўзоқ умр, марҳумларнинг руҳларига абадий шодлик тилаб, таъзим бажо келтирамиз.

Сайдкарим ҚОСИМХҲАЕВ,
Касба уюшма фахрийлари бошланғич ташкилоти раиси.

СУРАТДА: Касба уюшмаларида ўзоқ вақт хизмат қилган уруш қатнашчилари.
1985 йил, май, Тошкент.

ТАРАДДУД

Республикамиз меҳнаткашлари Ўзбекистон касба уюшмалари қурултойи ҳамда умумхалқ референдумини пухта тайергарлик билан кутиб олмоқдалар. Республика касба уюшмаларининг 70 йиллиги ҳам шу қурултой кунлари нишонланади.

Мамлакатимиз ҳаётида катта ўрин тутадиган бу муҳим воқеалар арафасида касба уюшмалари ўз сафларини мустаҳкамлаш билан бирга ўхшаш тармоқларни йириклаштира бориб иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқаришда ҳукуматга елкадошликни тобора кучайтирмоқдалар.

Ўзбекистон геология, кўмир, нефть ва газ саноати ҳодимлари касба уюшмаси Марказий Қўмитасининг мажлисида касба уюшма ташкилотлари ишини янада тақомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказишга ҳозирликни кучайтириш масалалари муҳокама қилинди. Марказқўм раиси А. Ашуралиев тармоқ меҳнаткашлари касба уюшмаларининг XV қурултойи ҳамда бу оммавий жамоат ташкилоти дунёга келганининг 70 йиллиги, ундан кейин бўладиган умумхалқ референдумини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олаётганликларини таъкидлади. Утган йили республикада 5,5 миллион тонна нефть ва нефть конденсати, 47 миллиард кубометр газ, эҳтиёжни қондирадиган микдорда кўмир қазиб олинди. Иқтисодиётнинг тараққийси кўп жиҳатдан еқилги саноатининг кўмагига боглиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистоннинг нефть мустақиллигини таъминлаш вазифасини бажаришга бизни сафарбар этган экан, демек, бу шарафли бурчини адо этиш биз учун қонундир.

1995 йил марраларини эгаллашга астойдил киришган тармоқ ҳодимлари янги-янги конларни топиш, фойдаланишда барча куч ва имкониятларни ишга солимоқдалар. Бу йил нефть ва нефть конденсати чиқаришни 8 миллион тоннага, газ қазиб чиқаришни 50 миллиард кубометрга, кўмирни 4,4 миллион тоннага етказиш кўзда тутилган.



Бу улкан вазифаларни бажаришда тармоқ касба уюшмалари ҳамда хўжалик ташкилотларидан меҳнат жамоалари аҳиллиги ва бирдамлигини, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишчилар учун зарур меҳнат ва маиший турмуш шароитларини яратиш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш талаб этилади. Шунингдек, меҳнаткашлар сийҳат-саломатлигини тиклаш учун сийҳаттоҳлар тармоғини кенгайтириш зарур. Бунда жамоа шартномалари кўл келади. Шу боис Марказий Қўмита билан “Ўзбекнефтьгаз” миллий корпорацияси, Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслари Давлат Қўмитаси, “Кўмир” ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Геодезия ва картография бошқармаси ўртасида тузиладиган битимлар тармоқ меҳнаткашлари ижтимоий-иқтисодий ҳимоясида катта роль ўйнайди. Марғузачи тармоқ касба уюшмаси тизимини ўзгартириш ҳақида тўхталиб, маъжуд вилоят тармоқ касба уюшмалари қўмиталари ортқчаллигини айтиб, кон ва корхоналар касабакўмлари тўғрисида Марказий Қўмита билан узвий ишлашлари мақсадга мувофиқдир, деб ўқтирди.

— Биз ер ости бойликлари изловчи, топувчилар, ишга туширувчи ҳамда қазиб чиқарувчилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси қарорларини, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини узайтириш бўйича шу йил 26-март кунин Референдум ўтказиш тўғрисидаги қарорини яқдллик билан қўллаб-қувватлаймиз.

Мажлисида сўзга чиққанлар ҳам Марказқўм раиси фикрига тўла қўшилдилар. Қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Марказқўмнинг 1995 йилги бюджети, доимий комиссияларининг таркиби тасдиқланди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари “Ўзбекнефтьгаз” миллий корпорацияси раиси Қ. Ҳаққулов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Тожибўй АЛИМОВ,
“Ишонч” мухбири.



Ўзбекистон касба уюшмаларининг 1960 йилда бўлиб ўтган VI-съездинда касба уюшмалари ташкилотларининг иқтисодий қурилишидаги вазифаларини аниқлаб берди. 1966-1970 йилда касба уюшмалари ташкилотлари ташаббуси билан ишлаб чиқаришни бошқаришга кенг жалб этиш ҳаракати бошланди.

1950-1980 йилларда Ўзбекистон касба уюшмалари ташкилотлар сон ва сифат жиҳатидан ҳам ўсди ва мус-

Бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида бу оммавий ташкилотлар вазифаси ҳам ўзгариб бориши қонунийдир. Иқтисодий ислохотлар соҳасида олиб борилаётган ўзгаришлар, хусусийлаштириш, турли мулкчилик шакллари пайдо бўлиши, меҳнат шартномаларининг жорий қилиниши аҳолининг ижтимоий қафолатланиши каби ўзгаришлар касба уюшмалари ташкилоти фаолиятини ҳам қайта қуришни тақозо этмоқда.

қилинди. Ёки Қорақалпоғистон Республикаси касба уюшмалари қатор қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқишга фаол иштирок этдилар. Масалан “Меҳнат-ни муҳофаз қилиш ҳақида” ва бошқа меҳнат жамоаларининг дол-зарб масалаларини ҳал этишда касба уюшмалари ташкилотлари фаол иштирок этмоқдалар.

Ҳозирги кунда Республика касба уюшмалари олдига турган муҳим муаммолардан бири — бу экология хавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳитнинг озодаллигини сақлаш, кишилар саломатлигини яхшилашдир.

Ўзбекистон касба уюшмалари ташкилотларининг барча бўгинлари, ҳозирги қийинчилик даврида одамларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, айниқса, кам таъминланган, ночор фуқароларга, пенсионерларга, ногиронларга, ёшларга баҳоли-қудрат ёрдам уюштирилиши керак.

Кейинги йилларда Ўзбекистон касба уюшмалари билан бир қатор хорижий мамлакатлар касба уюшмалари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш жараёни ривожланмоқда.

Жумладан, Франция касба уюшмалари вакиллари, Хиндистон туристик гуруҳ аъзолари, Польшадан ишчилар гуруҳи вакиллари Республика-мизда бўлишга, ўзаро фикр алмашишлари касба уюшмалари фаолларини саъй-ҳаракатлари натижасидир.

Туркия касба уюшмалари гуруҳ раҳбари Бурак Айчеен ва Решат Туйсузлар Ўзбекистон касба уюшмалари фаолиятини билан яқиндан танишиб бўлгач, шундай дедилар: “Биз ўзбек халқининг бой мерослари билан, меҳмондўстлиги, тарихий обидалари

— Самарқанддаги Регистон ансамбли, Бибиҳоним мадрасаси, Амир Темур мавзолейи ва Улугбек расадхонаси билан фахрландик”.

Ўзбекистон касба уюшмалари ҳам ўз навбатида Хитой, Вьетнам, Франция, Хиндистон, Туркия каби жаҳоннинг ўндан ортқ мамлакатларидаги иш тажрибалари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар. Яқинда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерация кенгаши делегацияси касба уюшмаларининг Дамашқда бўлиб ўтган XIII Жаҳон Конгрессида иштирок этдилар. Бундай шаклларда олиб борилаётган ишлар шубҳасиз Ўзбекистон касба уюшмаларининг таъсири ва обрўси ошиб бораётганлигига бир далилатдир.

Жаҳон касба уюшмалар ҳаракатининг Ўзбекистон касба уюшмалари фронтининг таҳлили қуйидаги ҳулосаларни чиқаришимизга олиб келмоқда.

БИРИНЧИДАН, маъмурият билан эъдиқиятнинг кучайишига эмас, балки ўзаро келишувлар ва ҳамкорликка асосланган фаолиятга касба уюшмалари кўпроқ эътибор беришлари лозим.

ИККИНЧИДАН, касба уюшмаларининг энг муҳим вазифалари меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришда, турмуш ва дам олишдаги шарт-шароитларини яхшилаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат бўлиб қолаверини керак.

Ш. ШАРОПОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

ЯНГИ ДАВР

таҳкамланди. 1979 йилда бу оммавий ташкилотлар ўз сафларида 5023 минг кишини бирлаштирди. Корхоналарда, жамоа, давлат хўжаликларида ўқув муассасаларида 31 минг касба уюшмалари фаолият кўрсатди.

Шу давр ичида Ўзбекистон касба уюшмалари Кенгаши 20 республика қўмитаси, 12 вилоят касба кенгаши, 108 вилоят, 910 шаҳар, туман тармоқ уюшмалари қўмиталари фаолиятини бошқариб борди. 80-йилларда бу оммавий ташкилот тасарруфидан 16 та соғломлаштириш, 86 санаторий-профилакторий, 200 дан кўпроқ уйлар, дам олиш базаларидан республика меҳнаткашлари фойдаландилар.

Мустақиллик шароитида республика касба уюшмалари ташкилотлари олдига мутлоқо янги йўналишдаги вазифалар турбди.

Янги шароитда касба уюшмаларининг ҳуқуқий мақоми ўзгарди. Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси “Касба уюшмалари, ҳуқуқлари ва уларнинг фаолиятининг қафолатлари тўғрисида”ги қонун меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқни мустаҳкамлашга ижобий таъсир этмоқда.

Ўзбекистон касба уюшмалари ташкилотлари кейинги йилда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида, Олий Мажлис сессияларида меҳнаткашлар ҳуқуқ ва манфаатларига доир масалаларни муҳокама этишни тақлиф қилдилар. Масалан “Ўзбекистон Республикаси ногиронларини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида”ги қонун лойиҳасига 13 та аниқ тақлифлар берилди. Шулардан еттисан қабул



ҲАҚИМИЗДА НАВРЎЗ НАҚРАСИ



ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Жиззах вилояти табиркорлар касба уюмлари Наврўз байрамини нишонлаш борасидаги тараддудни бошлаб юбордилар.

Улар кўламазорлаштириш, ободонлаштириш юмушларини аввало жойлардаги ўз корхоналари атрофларидан бошлайдилар.

Хусусий корхоналар ходимлари ва табиркорлар ўртасида кўриктановлар бўлиб ўтмоқда. Ногиронлар, кам даромадли оилаларга хайрия ёрдамлар кўрсатиш йўлга қўйилди.

Табиркорлар касба уюмлари вилоят ногиронлар жамиятига 2000 сўм пул ва 20 нафар ногиронга эса сўхаттоҳда ҳордик чиқариш учун йўлланмалар берди.

Алибой ЭРГАШЕВ,
"Ишонч" мухбири.

ЭЗГУЛИК БАҲОРИ

Богдаги дарахтлар ҳаёлга толди,
Далалар уйғонар сўнгги уйқудан.

Навбаҳор оламни ашната қолди.
Хуш хушрамаг эш тонти туйғуда...

Навбаҳор! Қадиминг кўтлуг келсин, нафасинг илик, югурдак еллар бойчечак атрини таратаверсин, гулларга белансин она табиат. Нозик бел, камон қош санам сочлари толбаргак тақсин. Зеро, баҳор айеми, Наврўзи олам келаетир, дилларга сурур бахш этаетир.

Наврўзи олам! Мозийнинг турмуш тарзидан минг фалсафа сўзлагувчи талай ривоятлар кўп. Наврўз тўғрисидаги маълумотлар, илмий хулосалар эса буюк аллома Абу Райҳон Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", "Қонун Маъсудий" ва "Ат-тафҳим" асарларида, Умар Хайёмнинг "Наврўзнама" рисолисида батафсил баён этилган.

Ўрта асрларда Наврўз байрамини Марказий Осиенинг турли худудларида истиқомат қилувчи халқлар ўзларига хос усулда нишонлаганлар. Аммо Наврўзи янги йилнинг янги кўни сифатида нишонлаш мусулмонлар учун қадим-қадимдан одат. Одамлар Наврўз кунлари бир-бирларига яхши тилаклар тилайдилар. Истиқбол учун бахт-саодатни ҳам шу кундан сўрайдилар.

Инсоннинг буюклиги, қадр-қимматининг юксаклиги, мушток ва мушқилларга саховат кўрсатилиши, мурувват билдирилиши рамзи тариқа Наврўз эъозланади, байрам қилинади. Баҳор ўқтамлигига муштарак туйғулар диллардан пайванд топиб, ниш уради, камолот топади, ўзгача жилвагарлик кашф этиб, ҳаёт завқига қонилади, сайрайсайилар, тантаналар, тамошолар, гап-гаштак, базмлардан яшнаб кетар бу олам. Ғам-аламлар, нохушликлар чекинар, ташвишу мушкулликлар кўздан беркинар...

Наврўз тўқинлик-сочинликдир. Аҳилик, тотувлик билан бирла қозонда таом қайнар, барчанинг боши қовушиб сумалак, ҳалим тайёрлаш баҳона, ялпиз, кўкати сомса, турли пишиқлар баҳона қиз-жувонлар, бола-бақралар, тенгдош-тенгқурлар уйин-қулги, куй-қўшиқ билан шомни

тонгга уларлар, қари-қартанглар гаштли гурунғ қизитарлар...

Наврўз баҳона аксарият далага шомлар, меҳнатга шўғир, баъзи вилоятларда ерга уруғ қадалар, одамлар ҳавас билан дарахт экишар. Баҳорий тиниқ орзуларга қанотбахш этилар, умидлар рўёбга чиқар.

Наврўз ана шундай табаррук байрам...

Дилларда эзгулик уйғотувчи, меҳр-оқибатни юксалтирувчи, покликка етакловчи бу серсаховат байрам яқинга қадар тутқинликда эди, таъқиқда эди. Аммо ҳақиқат олтин каби зангламас экан. У бўҳтонлардан, таъна-дашномлардан қайта бош кўтарди ниҳоят. Биз билан ҳаминфас мустақиллик напъасини сурмоқда энди, эъозланмоқда. Умумхалқ байрами сифат тантанали равишда кенг нишонланмоқда. Ҳозирги кунлар шунга тараддуд қизин. Пойтахтдаги Алишер Навоий ёдгорлиги мажмуаси майдони у кун ўзгача тароват касб этади. Хуш-хурсандлик, одамлар шодлиги, шукроналик қалбларда ифтихор ҳиссини уйғотади. Бу улур айём ўз моҳиятига кўра бир миллатнинг гина эмас, балки барча халқлар, элатлар тотувлигидан далолатдир. Пойтахтнинг сайлгоҳ хибоналаридан тортиб республикамизнинг чекка худудлари, кишлоқлар, даладаш бўйлаб гаштли тараннум қизди, дастурхонлар ноз-неъматларга тўлиши кўнгил очиклик, саҳийликдан нишондир. Токи Наврўз бор экан дилларда сурур, қалбларда гурур мавжи барқарор, кўксимиз қоялар мисол, виқорли тоғлардай салобатли бор.

Меҳнаткаш омманинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хайр-эхсон кўрсатишни эзгу ишларнинг шиорига айланган республикамиз касба уюмларининг фаолияти ҳам Наврўзона урф-одатларга муштарак. Шунинг учунми-кан бу йилги Наврўз айеми меҳнаткашларнинг ишончи ва таянчига айланиб бораётган республика касба уюмларининг 70 йиллик тантаналари ҳамда XV курултойи шу кунларга тўғри келганлигининг ўзига хос ҳосияти бор. Балки бундай табаррук тантаналарнинг қўшалок ўтиши эртанги бахт-саодатли кунлар ақиллигидан мўжассам дарқидир. Шундай бўлса чин дилдан баралла деймиз:

Наврўз айемигиз муборак, азизлар!

Фазилят ҲОЖИҚУЛОВА.

Бир донишманддан сўрабдилар:

— Нимани эслаб қолиш дарқору, нимани унутмоқ?

Донишманд жавоб берибди:

— Агар кишилар сента яхшилик қилган бўлсалар, уларни асло унутма, агарки сен бировга яхшилик қилган бўлсанг — унут!

Бу пурҳикмат заминда Наврўзнинг меҳр-мурувватга муштарак ўғитлари яширингандай... Кейинги вақтларда кишилар ўртасида меҳр-оқибат, саховат ва қарамлик кўтарилиб кетганлигини бот-бот сўзламоқдамиз. Аммо "Ишонч" "Одамийлик сабоқлари" рукни остида донолар ўғитларини мунтазам тарқатмоқдаки, бу барчани инсонийлик фазилатларини улуғлашга, саховатга чақирмоқда. Шу баҳона мен ҳам қўлимга қалам олдим...

Келинг, бир сония ўйлаб кўрайлик: сўнгги бор кимга ва қачон яхшилик қилди мурувват кўрсатдик, меҳр-оқибат, саховат билдирдик?.. Ҳа, ўйлаб қолсан киши...

Халқимизнинг "бир кўнгил иморати — минг Макка зиёрати" деган ҳикматида ёвузликдан чекиниб, эзгулик сари юз тутишга чорловчи маъно яширинган. Майли, кўпчиликка эмас, бирор-бир муҳтож кишига андек яхшилик қилиш, унинг кўнглини шод ва обод этиш ҳам Маккаю мунавварага бориб, ҳаж қилишдай хайрлидир. "Кимки бир кўнгил бузғунинг хотирин шод айлағай, оңча борким, қаба вайрон бўлса, обод айлағай" деб бежиз айтмаган Алишер Навоий. Инчунун, инсон ҳаётга бир марта келади. Токи у ҳаётни сермазмун ўтказмоққа интилиши керакки, орта бокқанда яхшилик уруғидан унган мевалардан бот қолганини кўрсин. Зеро, Бобур таъкидлаганидек:

Хулқунгни рост қилғил ҳар соригаки борсанг,

Ахсанта дер бори эл гар яхши от чиқарсанг.

Дарҳақиқат, яхши ном чиқаришга ҳамма ҳам муяссар бўлавермайди. Гоҳо биронинг кўнглини олиш учун одам ўз ҳаловатидан кечиши лозим бўлар. Шу ўринда оқ ҳалатли нажоткорлар деб эъозландиган шифокорларга сабр-қаноат тиламоқчиман. Улар туни-кун ўзганинг дардини чекитириш йўлида ҳузур-ҳаловатларидан кечиб, меҳнат қиладилар. Шу боисдан ҳаммани шифокорлардек эзгулик уруғини сепувчилар бўлишини истардим.

Ҳаётда жамийи мавжудлик ичиде энг олий мавжудот инсондир. Оламдаги барча гузалликлар, неъматлар ана шу комил инсонга хизмат қилади. Алишер Навоий

“БИР КЎНГИЛ ИМОРАТИ — МИНГ МАККА ЗИЁРАТИ”

яна бир жойда шундай деган:

Ганжинг аро нақд фаровон эди,

Лек баридан ғараз инсон эди.

Зотан, инсон зоти улутвор экан, унинг бажарадиган амаллари ҳам, ҳаёт тарзи ҳам улутвор бўлиши керак. Навоий инсонларга бирор наф етказмайдиганларни одам ўрнида санамаслик тарафдори бўлган.

Аёнки, бирор кимса заминда халққа яхшилик кўрсатганда кишига фойдасидан ҳам савоби кўпроқдир. Шарқ ҳамиша инсонни одамийлиги билан ўлчанган. Баҳовуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Ибн Сино, Форобий, Амир Темур, Улутбек, Алишер Навоий, Бобур каби юзлаб алломаларимиз қолдирган бой адабий мерос, бунёд этган буюк меъморий ёдгорликлар ҳам одамийликдан сабоқ. "Наъфинг агар халққа бешакдурур, балки, бу нафъ ўзингга кўпроқдурур" деган у киши.

Ҳозирги дам ҳам инсон инсонга марҳамат, яхшиликлар, саҳийлик ва саховат кўрсатадиган палладир. Зеро, бу кун Наврўзи оламнинг таровати бутун юртимизни чуллаган. Меҳр-мурувват, саховат ва эзгулик уруғини сочиб, кириб келди у.

Бу кунларда хайрли ва савоб ишларни амалга ошириш урфга айланган. Етим-есирларга, елгизларга, ногиронларга, ўқувчи ва талабаларга, муҳтожларга, маҳалларга ҳар ким, ҳар ташкилот баҳоли-қудрат мадад қўлини чўзадиган дандир. Наврўз айемида эса эзгулик уруғини сочувчи миллий қадриятларимизнинг яна бир янги сифати шақлланаётгандай бўлади.

Турар жойимиз янги қад ростлаётган маҳаллалардан бири. Камчиликлар, етишмовчиликлар оз эмас. Маҳалламиз аҳли аҳил. Фақат бир табиркор йигит ҳақида эслашни ўзимга жазм этдим. Аммо у ўз номини тилга олишимни истамасди.

Шу йигит ўз меҳнати эвазига топан даромадидан маҳалланинг кўчаларига ас-фальт етказишда ердам берди, оқова сувнинг чиқиб кетиши учун "бетон арик"лар олиб кирди. Беш юз метрдан ошқ месофа ва баъзи ховлиларнинг ертўласигагача шаррос ёмғир тўлиб қолишидан энди ҳалос бўлинди...

Келинг, шу йигит тимсолида саховатли кишиларни олқишлайлик! Ҳар ҳолда яхшилик-яхшида!

Баҳодир ҲАБИБ ВАЛИЙ,
адабиётшунос.

Дил сўзлари ҲАМИША МАДАДКОР БЎЛСИН!

Республикамиз касба уюмлари етимши йилдан бери одамларнинг яхши-ёмон кунда жонига оро қирипти, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилаётти.

Биз санъаткорлар тўй, байрамлар, халқ сайилларини, хуллас эзгуликни ёқтирамыз ва касба уюмлари каби халқ хизматига камарбастамиз. Менинг ота-онам бир умр жамоа ҳўжалигида ишлаган. Касаба уюшмаси ердамидан баҳраманд бўлишган. Ҳозирги кунда ҳам уюшмалар аҳолини, кам таъминланган оилаларни, елгизларни ҳимоя қилаётгани кишини руҳлантиради.

Биз санъаткорлар ҳам ҳамиша касба уюшмалари ердамидан, рағбатидан миннатдоримиз. Қаерда концерт қўймайлик, касба уюшма мададкор бўлади.

Касаба уюшмалари таклифи билан тез-тез вилоятимиз корхоналарига, ҳўжаликларга чиқиб турамыз.

Касаба уюшмалари ходимларининг 70 йиллик байрами ва унинг курултойи ишига муваффақиятлар тилайман.

Абдулхай КАРИМОВ,
"Фаргона" гуруҳи раҳбари.

Урушнинг оғир йиллари эди. Ҳамма нараса мамлакатни босқинчилардан ҳимоя этиш учун сафарбар қилинган. Бунинг устига жон олиб, жон бераётган қирғинбарот кураш учун ҳар кун янгидан-янги жангчилар сўраларди. Завод—фабрикалардаги, колхоз далаларидаги оғир меҳнат жанг майдонларидаги оғирликдан кам бўлмас эди. Наманган шаҳар касба уюшма кенгашининг 1942 йил апрель ойида ўтказилган йилги қарорида шундай жумаларни ўқиш мумкин: "Касаба уюшма кенгашининг маблагидан фронтда ҳалок бўлган жангчилар оиласига моддий ердам кўрсатиш учун 50 минг сўм маблаг ажратилсин". Ёки ўша йилнинг август ойидаги ана шу масалалар бағишланган мажлис ҳужжатларида ҳам қуйидаги сатрлар бор: "Пахта заводи касба уюшма ташкилотининг жамоадан фронтга кетаётган кишиларга белгиланган манзилга етиб олгунча иссиқ кийим-бош ҳамда озиқ-овқат билан таъминлаш юзасидан ташаббуси маъқуллансин".

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Наманган вилояти меҳнаткашлари ҳам ҳатта синовни бошдан кечирганлар. Вилоятда 79 минг киши қўлга қурул олиб, евуз душманга қарши курашга отланган. Ғалаба эса ҳали узоқ кийим-кечак, озиқ-овқат, даладаги юмушларни бажариш, саноатда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун от-улов, техника, хомаше етишмасди. Бу кийин меҳнатнинг асосий қисми хотин-қизлар, қари-қартанглар, вояга етмаган ўсмирлар зиммасида. Бинобарин, касба уюшмалари одамлар кўнглига дала бериш, ҳол-қудрат моддий қўллаб-қувватлаш учун бор имкониятдан фойдаландилар.

Бугунги бозор иқтисодига ўтиш босқичида юзага келган мураккаб шароит туфайли кўпгина касба уюшма қўмиталари кўп болали оилалар, қаровчиси кексалар ва ногиронларга кўрсатаётган адресли ердам аслида ана шу машаққатли уруш йилларидаги қўлланилган адресли ердамнинг давоми эканлигини беихтиёр ҳаёдан ўтказасан. Қарангки, касба уюшмалари ҳаёт-мамонт масаласи омонат турган уруш йилларида ҳам ўзи, фуқаро, бевабечораларнинг ҳақиқий жонқуяри эканлигини амалда исботлаган. Боқувчиси жангда ҳалок бўлганлар, ногиронлар рўйхатга олинган. Арзимагангина заҳира ҳисобидан мунтазам моддий ердам кўрсатиб турилган. Шу билан бирга колхозларнинг, завод ва фабрикаларнинг бу борадаги кўмаги ташкил этилишига эришилган. Наманган ёғ-экстракция ва пахта тозалаш заводлари, тўқимачилик артеллари касба уюшма ташкилотлари фронтга жўнаб кетаётган жангчиларни иссиқ кийимлар, озиқ-овқатлар билан таъминлашни уюштиришда ташаббускор бўлганлар.

Уша давлардаги ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, олдинга қўйилган режа-топшириқлар бажарилишида ҳам касба уюшма ташкилотларининг ташкилотчилиги айниса, диққатга сазовордир. Фронтга кетаётган кишиларни моддий қўллаб-қўлтиклашда ўрнатилган кўрсатган ва юқорида номлари санаб ўтилган саноат шахобчаларининг касба уюшма ташкилотлари, "Жамоамиз-

ҒАЛАБАГА ҚЎШИЛГАН ҲИССА

ҳам ёлғиз ўзи териб олган. Меҳнат Қаҳрамони, Олий Кенгаш депутати дара-чиққан.

Вилоят касба уюшмалари кенгаши ҳозирда ҳам машҳур пахтакор, эл учун жонқуяр онахон билан ҳамкорлиқни давом эттириб келмоқда. Қатор йиллардан бери доврқли аёл номида Диплом ва пул мукофотлари тавсия этилади. Йигит-терим мавсумининг охирига келиб ҳар бир туманда энг кўп пахта терган 3 аёл, вилоят бўйича эса 33 аёл ушбу мукофот совриндори бўлади.

Машаққатли уруш йиллари ортда қолди. Аммо қирғинбарот қурбонсиз бўлмайди, деганларидек, Наманган вилоятидан фронтга жўнаб кетганлардан 23830 киши она юртига қайтиб келмади. Наманганликларнинг немис-фашист босқинчиларига қарши курашда кўрсатган мардлиги ва жасорати муносиб баҳоланди. Файзулло Йўлдошев, Абдусаттор Раҳимов, Соли Адашев, Набижон Минибоев, Борис Ивановскийларга Қаҳрамон унвони берилди. Ганижон Валиев, Холмамат Жалолов, Саиднаби Абдурахмоновлар "Шуҳрат" орденларининг тўла нишондорлари бўлдилар. Юзлаб наманганлик жангчилар орден-медаллар билан тақдирландилар. Бу йил ярим асрлик тўйи нишонланадиган Ғалаба байрамига вилоят касба уюшмалари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссалари қўшилганлигидан ҳақли равишда фахрландилар.

Абдубанно ҒАНИЕВ,
тарих фаилари номзоди,
Одилжон ЖУМАНАЗАРОВ,
"Ишонч" мухбири.

МАРТ

ДУШАНБА, 20

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 "Наврўз байрамингиз кўнгилли ўтсин!"
18.45 Шеърӣ дақиқалар.
18.55 Ёълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёълонлар.
19.25 "Нон таъми".
19.45 "Наврўз тароналари". Концерт.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёълонлар.
21.00 "УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ ОЛДИДАН".
21.30 Ўрдубодий. "Беш сўм". Абдор Хидоятв номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли.
23.00 — 23.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Варраклар байрами".
19.00 "5+1".
19.30 "Ўзбек тасвирий санъатида Алишер Навоий образи".
20.05 "Раҳмат, Сизга!"
20.40 — 21.10 "Наврўз. Байрамдан — байрамгача".

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мульткарусель".
19.55 "Ёшлик" студияси. "Ғазалхон ёшлигим".

*

"ОМАД" таништиради:

20.30 "Совға".
21.00 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
21.20 Жаҳон географияси.
22.15 Ёълонлар.
22.20 Видео — "О".
24.00 Ёълонлар.
00.05 "Курьер".
00.25 "...яна об-ҳаво ҳақида".
00.35 "Постфактум".
00.45 — 01.05 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си").

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Япония А. Колошин билан".
18.30 "50 йил муқаддам ушбу кунларда".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тигиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика).
20.00 "Суфлер".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Спорт уик-энди".
21.55 — 23.30 "Дарбадар автобус". Бадий фильм (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти телетомошабинлари учун).

СЕШАНБА, 21

АССАЛОМ, НАВРЎЗ!

ЎзТВ I

7.00 — 02.00

УЗЛУКСИЗ

ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР

КУНИ

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

18.30 "Мультфейерверк".
18.55 "Жаҳон хайвонот боғлари".
19.15 Янгиликлар.
19.20 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
19.40 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёълонлар.
20.05 Видеоид.
20.25 "Теле-ателье-шоу".
20.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёълонлар.
21.15 "Кинонигоҳ".
22.55 — 23.15 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си").

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мульткарусель".
19.55 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.
20.10 "Дурдарин" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.10 "Буюк Ипак йўли". Телефильм.
21.30 Наврўз байрамига бағишланган кўрсатув.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "Кўхна майдон сирлари".
18.30 "СБ" жумбоғи".
18.45 "Ким аслида ким?" ХХ аср. Жон Фрэнч.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тигиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Мавзу".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Илк манбадан".
21.50 "Олтин шлягер". Л. Утесов.
22.35 — 23.05 "Тол".

ЧОРШАНБА, 22

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Ўн минг бола ва яна бир бола". Бадий фильм.
10.15 "Наврўз бахт ва қувонч улашиб...". Телефильм.
10.45 Немис тили.
11.15 "Кашф этилаётган имкониятлар".
11.45 "Қадим дарахт япроқлари". Адабий кўрсатув.
12.25 "Халқ ижодиёти".
12.55 — 14.55 "Ёшлик" видеоканали.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 Болалар учун. "Наврўз чечаклари".
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Ёълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёълонлар.
19.25 "Анъаналар этади давом..." Мусиқий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёълонлар.
21.00 "УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ ОЛДИДАН".
21.30 "Юртим бўйлаб кезади Наврўз!" Алишер Навоий номидаги миллий богда байрам тантаналари.
23.00 — 23.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун фильм. "Хайвон ўргатувчилар".
19.00 "Оқ соя".
19.30 "Ёдингдими, дўстим...".
19.45 "Дарвоқе...".
20.05 "Тошкент оқшомиди".
21.05 — 22.45 "Кинематограф".

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мульткарусель".
19.55 "Давр ва тadbир".
20.35 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.

*

"ОМАД" таништиради:

21.25 — 00.25 "СПОРТ КИТЪАСИ".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 Эфирда — Давлат-лараро "Мир" телерадиокомпанияси.
18.45 "Ким аслида ким?" ХХ аср. В. Вернадский.
18.55 "Тигиз пайт".
19.20 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.50 Янгиликлар.
19.55 Сиз кутган учрашувлар. Г. Жуженов.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Монитор".
21.50 — 22.20 "Хабарномалар".

ПАЙШАНБА, 23

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Олтин занжир". Бадий фильм.
10.25 Ўзбек тилини ўрганамиз.
10.55 "Муҳаббатим қуйлайман". Мусиқий композиция.
11.30 "Хукукингизни биласизми?"
11.50 "Ислохот одимлари".
12.20 — 14.20 "Маърифат" видеоканали.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Бир хўтичка бор экан". Мультфильм.
18.20 "Хаёт сабоғи".
18.55 Ёълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёълонлар.
19.25 "Салом, Наврўз!" Телефильм.

19.40 "Аҳмаджон Далаев қуйлайди". Фильм-концерт ("Ўзбектеелефильм").
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёълонлар.
21.00 "Бевосита мулоқот".
21.45 Буюк Ғалабининг 50 йиллигига.
"Солдат отаси". Бадий фильм.
23.15 — 23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Кўнгил".
18.40 "Жозеба".
19.00 "Бир шингил хангома".
19.10 "Ишингиз бароридан келсин!"
19.25 Видео янгиликлари.
19.50 "Теле-ателье-шоу".
20.00 Янгиликлар.
20.05 "Муҳаббатга ошно қалблар".
20.25 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёълонлар.
21.10 "Кинонигоҳ".
22.50 — 23.10 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си")

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мульткарусель".
19.55 "Манбалар".
20.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.
21.15 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.
21.30 "Дурдарин" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.30 "Дунё эшиги".
23.10 — 23.50 "Ширшак" (тожик тилида).

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "... 16 ешгача ва ундан катталар".
18.45 "Ким аслида ким?" ХХ аср. Ле Корбюзье.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тигиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Эслашлари учун..." Л. Филатовнинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 — 22.05 "Москва, Кремль".

ЖУМА, 24

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 Буюк Ғалабининг 50 йиллигига.
"Конанир Долласнинг саргузаштлари". Бадий фильм. I-серия.
10.30 "Кафолат".
11.00 "Шифокор экрани".
11.30 "Буни ҳамма билиши керак".
12.00 "Ватан сарҳадлари".
12.40 Буюк Ғалабининг 50 йиллигига.
"Садокат".
13.30 "Шоир бир сўз айтса..." Адабий кўрсатув.
13.50 — 14.50 "Ёшлик" студияси. "Талабалар сахнасида".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Булут учун пўстин". Мультфильм.
18.20 "Оқ тонглар тухфаси".
18.55 Ёълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёълонлар.
19.25 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар...".
19.45 "Мозийга бир назар".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёълонлар.
21.00 "Миллионлар минбари". Халқ артисти Отажон Худойшукоров.
23.05 — 23.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Учкун".
19.00 "Шаҳар юмушлари".
20.00 "Билиб қўйган яхши".
20.25 "Самарали изланишлар".
20.55 "02" тўқинида.
21.20 — 22.00 "Чет эл киноси юлдузлари". Кинокўрсатув (рус тилида).

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.45 Туркия телевидениеси.

*

19.45 "Мульткарусель".
20.00 "Умид" (уйғур тилида).
20.30 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.
21.45 "Мульткарусель".
20.00 "Умид" (уйғур тилида).
20.30 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.

*

"ОМАД" таништиради:

21.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёълонлар.
21.50 "Панорама".
22.00 "Даракчи".
22.30 Ёълонлар.
22.35 — 00.15 Видео — "О".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "Инсон ва қонун".
18.30 "50 йил муқаддам ушбу кунларда".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Бомонд".
19.20 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.50 "Мўъжизалар майдони".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Хафтанинг машхур кишиси".
22.00 — 23.10 "Детективлар клуби"да.
"Машхур детективлар". Телевизион бадий фильм. 5-фильм — "Зулматдаги учрашув" (Франция).

ШАНБА, 25

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 Буюк Ғалабининг 50 йиллигига.
"Конанир Долласнинг саргузаштлари". Бадий фильм. 2-серия.
10.25 "Цирк! Цирк! Цирк!"
11.05 "Хужжатли экран".
11.50 "Ёшлик" студияси. "Фақат Сиз билан!"
12.50 — 14.50 "Тимсол" видеоканали.

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 "Жонли тил".
18.55 Ёълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёълонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.35 Эстрада тароналари.
20.00 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёълонлар.
21.00 ЭРТАГА — УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ.
21.30 М. Бафоев, Ю. Исмазова.
"Улугбек буржи". "Тановар" миллий рақс ансамблининг телевизион балет-спектакли.
23.15 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
23.25 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

9.00 "Мультфейерверк".
9.25 "Жаҳон хайвонот боғлари".
9.45 Янгиликлар.
9.50 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёълонлар.
10.35 Видеоид.
10.55 "Теле-ателье-шоу".
11.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёълонлар.
11.45 "Кинонигоҳ".
13.25 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си").
13.45 — 18.30 "Спорт китъаси".

"Тошкент"

студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Баҳор лавҳалари".
19.20 "Ҳамкасблар".
19.50 Ёш созандаalar чаладилар.
20.20 "Диккат, репетиция!"
21.00 "Ён қўшим — жон қўшим".
21.15 — 22.55 "Кинематограф".

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Дидар" (қозоқ тилида).
10.40 "Безнев мирас" (татар тилида).
11.20 — 12.05 "Режиссер билан учрашув". Вали Умаров (рус тилида).

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мульткарусель".
19.55 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар...".
20.20 "Ўзбекистон — кадрдон уйимиз".
21.05 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.15 "Вариацияли мавзу".
21.50 "Ватан сарҳадлари".
22.15 "Интерпартнер".
22.55 — 23.15 "Бу ажиб дунё".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.10 "Брайн-ринг".

19.05 "Улкан сайера".
19.55 "Кулги панорамаси".
Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 — 21.40 "Время".

ЯКШАНБА, 26

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Дилдан қўлаб, уйна қўнаб...".
8.40 "Наврўз нашидаси". Телефильм.
9.00 "Қувноқ стартлар".
9.40 Мультфильм.
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 "Кино усталари".
Халқ артисти Раззоқ Ҳамроев.
11.40 "Санъат сеҳри". Видеоканал.
13.40 — 13.55 "Ўзбекистон" ахбороти-нинг махсус сони.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Сеними, шошмай тур!". Мультфильм.
18.10 Ўсмирлар учун. "Еттига етти". Телеуйин.
19.05 "Ойнаи жаҳонда...".
19.25 Ёълонлар.
19.30 "Хафтанома" (рус тилида).
20.00 Ёълонлар.
20.05 Телефильм.
20.15 "Мен буюк юрт ўғлидурман...".
20.55 Ёълонлар.
21.00 "Хафтанома".
21.30 Ёълонлар.
21.35 "Якшанба оқшомиди". Дам олиш концерти.
22.35 Ўзбек киносининг 70 йиллигига.
"Севишганлар". Бадий фильм.
23.55 — 00.25 "Хафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

10.00 "Омад" тақвими.
10.05 "Кўнгил".
10.10 "Жозеба".
10.30 "Бир шингил хангома".
10.40 "Ишингиз бароридан келсин!"
10.55 Видео янгиликлари.
11.20 "Теле-ателье-шоу".
11.30 Янгиликлар.
11.35 "Муҳаббатга ошно қалблар".
11.55 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёълонлар.
12.45 "Кинонигоҳ".
14.20 — 14.40 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си").

17.00 "Совға".
17.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
17.50 Жаҳон географияси.
18.40 Ёълонлар.
18.45 Видео — "О".
20.30 Ёълонлар.
20.35 "Курьер".
20.55 "... яна об-ҳаво ҳақида".
21.05 "Постфактум".
21.15 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си").
21.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
21.55 Ёълонлар.
22.00 "Панорама".
22.30 "Америка юлдузлари". Кинода-стур.
22.50 "Даракчи".
23.00 Ёълонлар.
23.05 — 00.45 Видео — "О".

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Мультфильм.
9.40 "Жонли сайера".
10.00 "Коллекция".
10.20 "Олтин атиргул" ғори". Кўп серияли телевизион бадий фильм (Италия), 9-серия (рус тилида).
11.10 "Маски-шоу".
11.25 "Эсдалик учун дастхат".
11.50 "Кинематограф".
13.30 — 13.40 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар



Соғлом танда соғ ақл, дейди халқимиз. Дарвоқе, мустақил юртимиз учун бесаноқ соғлом авлодлар керак. Эртанги кунларнинг ҳақиқий эгалари камол топиши зарур. Касаба уюшмалари тасарруфида куплаб спорт иншоотлари, маданият масканлари мавжуд. Уларда талай ёшлар таълим олишади, спортнинг хилма-хил турлари бўйича машғулот ўтказишади, чинқишади, бардам бақувват улғайишади. Мамлакатлараро мусобақаларда ғолиб чиқиш билан она юртимиз довруғини оламга ейишади.



Илми нужум талқинлари

ярмида заруратсиз кўчага чиқаверишлик, тунда юришлик сафарга чиқишликлари камайтирмоқ маъқул. Бу кунлар ичи ишлар унмаслиги ва молиявий қийинчиликлар юз бериши кутилади. Ҳафта охиригача хайрия ишлари билан шуғулланиш тавсия қилинур.

СУНБУЛА (23.08-22.09) ойда туғилганлар учун бу ҳафта оддий ўтиши кутилур. Дам олиш, сафарга чиқиш, турли маросимлар ўтказиш, тўй-тамошалар бошлаш жоизли. Лекин ичкилик, бузуқчилик каби тубанликка берилиш гуноҳдир. Узоқ кўрмаган еру-биродарлар билан учрашишлар ҳосият-лидир.

МЕЗОН (23.09-22.10) ойда туғилганлар учун бу ҳафта омадли келиши кутилур. Ҳафта ичи катта маблагга эга бўлиш, мансаб жиҳатдан юқорилаш ва оилавий бахтга эришиш мумкин. Хизмат юзасидан сафарга чиқиш, раҳбарлар қабулига кириш ва маросимлар уюштиришлар билан яхши натижаларга эришилади. Зинҳор-базинҳор бировнинг дилини огритмаслик, ўзгаларга ҳиёнат қилмаслик даркор.

АҚРАБ (23.10-21.11) ойда туғилганлар қадамларини ўйлаб босмасалар, шу кунгача эришган барча муваффақиятларидан ажраб қолиш хавфлари бор. Хусусан, шериклар билан бўладиган ўзаро муомалада эҳтиёт бўлмоқлари керак. Маблагларни жой-жойига сарф қилиб, унинг совирилиб кетишининг олдини олмақ зарур. Иншооллоҳ мазкур кўрсатмаларга амал қилганлар ҳафта охиригача тинч бўлурлар.

ҚАВС (22.11-21.12) ойн фарзандлари учун бу ҳафта омадли келади. Айниқса, молия соҳасида катта маблагга эга бўлиш мумкин. Шу билан бирга катта ижодий ютуқларга эришишлари кутилади. Муҳаббат билан куриллажак оилалар мустаҳкам бўлади. Сафарга чиқиш, бошлиқлар қабулига кириш ва катта маросимлар ўтказиш омадларига омад қўшади.

ЖАДДИ (22.12-19.01) ойн фарзандлари учун бу ҳафта тинч-осойишта ўтади. Ҳар ким бу ҳафта ичи яхши дам олиб, сорлигини тиклаш билан шуғулланса емон бўлмас. Яхши солеҳ кишилар суҳбатда бўлмоқ, улардан руҳий озуқа олмоқ кўп яхшиликлар келтирур. Уғирлик, порахўрлик, кишиларга қаҳр-ғазаб қилишлар тинчлик бузилишига сабаб бўлур. Сафарга чиқишлар, бошлиқлар қабулида бўлишлар яхши натижалар берур. Валлоҳу аълам.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ



ДАЛВ (20.01-18.02) ойда таваллуд топганлар бу ҳафта ичи ўзларини ичкиликдан ва бузуқчиликдан қатъий сақлашлари керак. Бу уларнинг кунлари омадли ва мазмунли ўтишига сабаб бўлади. Ҳафта давомида савдо-сотик, ишлаб чиқариш, илмий ишлари жуда юришиб кетади. Сафарга чиқишлари ва турли маросимлар ўтказишлари ҳам мумкин.

ХУТ (19.02-20.03) ойда таваллуд топганлардан бу ҳафта ичи анча хушёрлик талаб қилинади. Эр-хотин, ходим-раҳбар, устоз-шогирд, ота-бола, қайнона-келин бир бирлари билан хушмуомалада ва ширинсўз бўлишлари лозим. Зеро, бу кунларда андак асабийлашиш туфайли арзимаган нарсалар устида катта кўнгилсизликлар келиб чиқиши мумкин. Шу билан бирга сафарга чикмаслик ва айрим муаммолар юзасидан масъул лавозим эгаларига мурожаат қилмаслик маъқул.

ҲАМАЛ (21.03-21.04) ойда таваллуд топганлар учун бу ҳафта деярли омадли келиши кутилади. Оилада ва иш жойларида қувончли ҳодисалар юз бериши эҳтимоли бор. Молиявий соҳа ҳам емон бўлмайди. Шартнома, битимлар тузиш, катта-катта маросимлар ўтказиш мумкин. Ота-оналарни эслаш, зиёрат қилиш, кўнгилларини олиш кўп манфаат келтирур.

САВР (22.04-20.05) ойда таваллуд топганлар бу ҳафтани оилавий ишлар, иш фаолиятлари бўйича ҳисоб-китоб қилиш ҳамда ўтган давр мобайнида юз берган камчиликларни бартараф этиш билан шуғулланишлари керак. Мазкур кишилар ҳафта давомида кўп қувончли воқеаларга дуч келишлари кутилади.

ЖАВЗО (21.05-21.06) ойда таваллуд топганлар учун бу ҳафта омадли ўтиши кутилур. Шунинг учун режалаштирилган барча ишларни бошлайвериш мумкин. Айниқса, савдо-сотик, хизмат сафари, илмий иш, ишлаб чиқариш ҳамда хайрия маросимларини ўтказишлардан катта манфаатлар кўрилади. Ҳафта давомида молиявий ишлар юришади, ажойиб оилавий бахт ва улкан меҳнат зафарлари қўлга киритилади. Елғон, ғийбат, тухмат ва бўҳтонлардан сақланиш омадга-омад қўшади.

САРАТОН (22.06-22.07) ойда таваллуд топганлар учун бу ҳафта бироз нахс аралаш ўтиши мумкин. Шунинг учун ҳар томонлама хушёр турмоқ, мабодо бирор нохушлик туғилса-эсанкираб қолмай, келажакка умид билан қараш, доим таскин топишга уриниш маъқул. Ҳаммаси жойига тушиб кетади. Ножўя ишлар юз беришининг олдини олиш ҳар кимнинг ўзига бoғлиқ бўлиб, қўлдан келганча хизмат вазифаларини бажараверган дуруст. Кўчага чиққанда бисмиллоҳни кўпроқ такрорлаб, худого сийғинмоқ лозим.

АСАД (23.07-22.08) ойда таваллуд топганлар учун ҳафтанинг биринчи ярни омадли, қолгани нахс келиши кутилур. Шунинг учун ҳафтанинг иккинчи

БАРЧА САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ, ХУСУСИЙ ВА КИЧИК КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкентдаги очик турдаги "ПАРИЗОД" ҳиссадорлик жамияти ўзида ишлаб чиқарилган олтиншдан ортиқ хилдаги халқ истеъмоли моллари (аёллар плашлари, кўйлак ва халатлари, юбка ва кофталари, блязаклари, ички ва устки кийимлари, қиз болаларнинг барча ёшдагиларига мўлжалланган ички ва устки кийимлари, аёлларнинг махсус иш кийимлари) ни белгиланган нархдан маълум фойзга арзон нархда сотади.

Ҳисоб-китоблар нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Жамиятнинг фирмен-ный дўконлари Ҳазалкент ва Бўқада, Асака ва Ғузорда, Жиззах ва Қорасу (Андижон вилояти)да ишлаб турибди. Тошкентда (У. Носир кўчаси, 12-уй)ги дўконда мнинг сўмликдан зиёд кийим-кечак харид қилган харидорга у оладиган молларнинг нархи 15 фойз тушириб сотилади.

Манзил: 700070 Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 12-уй.
Телефонлар: 56-06-84, 56-31-01.
Факс: 56-48-29

РЕКЛАМА ЗА ЭВМОТЛАР

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

- * «Funai» TVRK-20 моноблоклари 32850
- * «Sitzten» ED-3000 ён дафтарчалари 4500
- * «Quetex» QSD-765 калькуляторлари 1850
- * «Panasonic KX-T2365» телефонлари 6350
- * «Jaguar» 20000 радиотелефони 35000
- * Факс қорғози 150
- * Ошхона жиҳозлари 300
- * Қаҳва сервислари 800
- * «Sharp» WQ-T221Z магнитоласи 8800
- * RQ-4307 диктофони 3900
- * RN-202 диктофони 4000
- * 3 кгли кир ювиш кукуни 275
- * «Илми тасхир» китоби
- * «Араб ҳарфларининг сирли ҳосиятлари» китоби

Буюм ва жиҳозларнинг баҳоси 14.03.95 кунда белгиланган бўлиб, исталган тарзда тўланиши мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Марказ-14, 33-уй.
Телефонлар: 44-10-25, 44-52-71.
«МАЖНУТОЛ» фирмаси.

Фирма МДХ дан шартнома асосида буюмларни келтириб беришни таъминлайди.
Тел.: 41-03-24.



«Пахтакор»

Навоий шохқўчаси



Мажнунтол

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ
КЕНГАШИ

Бош муҳаррир
Саидакром САИДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АКРОМОВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Рустам АБДУРАЗЗОҚОВ,
Абдуманноп АЛИМБОВ,
Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,
Тургунбой МАДИЁРОВ,
Тургун НАЗАРОВ
(масъул котиб),
Муҳаммаджон ОТАҚУЛОВ,
Муҳайё ТўЛАГАНОВА,
Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА,
Баҳодир УМУРЗОҚОВ,
Тўлқин ҚОЗОҚБОВ.



• Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
• Бош муҳаррир ўринбосари — 56-52-89
• Масъул котиб — 56-52-78

БЎЛИМЛАР

• Касаба уюшмалари ва муҳбирлар билан ишлаш — 56-82-79
• Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар — 56-87-78, 56-87-63
• Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

• ВИЛОЯТЛАРДАГИ
МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ
ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 5-23-10
Бухорода — 3-50-10
Гулистонда — 2-24-98
Жиззахда — 2-31-41
Навоийда — 3-52-99
Наманганда — 6-22-10
Нукусда — 2-44-46
Самарқандда — 35-64-22
Термизда — 2-70-07
Тошкентда — 56-82-79
Фарғонада — 4-28-29
Урганчда — 6-03-40
Қаршида — 5-33-71

• Мухарририятта келган қўлёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақола-лардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.



• СОТУВДА эркин нархда.
• Жума кунлари чиқади.
• Босишга топшириш вақти — 19.00. Топширилди — 19.00

• Навбатчи масъул:
Саидазим ШАРОФХОНОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри,
«Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

• Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.

• Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.
• IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табок.
• «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили. «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. • Буюртма Т-0076
1 2 3 4 5 6